

O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2022-yil 14-dekabr / № 49 (4708)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING FAN VA TEXNIKA, ADABIYET, SAN'AT VA MEYMORCHILIK SOHASIDAGI DAVLAT MUQOFOTLARINI BERIŞ TUGRISIDA

Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини таъсис этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлда қабул қилинган ПФ-3781-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгашининг 2022 йилги Давлат мукофотлари бўйича таклифига асосан мамлакатимиз илм-фани, адабиёти ва санъатини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган, халқаро миқёсда эътироф этилган фундаментал тадқиқотлари, замон талабларига жавоб берадиган юксак, мазмунан долзарб ижодий ишлари учун:

Биринчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
фан ва техника соҳасида:
Санакуюлов Қувандик, Снитка Николай Павлович, Усманов Рустамжон, Эргашев Улугбек Абдурашулович, Мустақимов Отабек Маннабиёвичга — “Технологик ва ишланмиш мураккаб бўлган олтин таркибли маъданларни қайта ишлаш ва ўзлаштиришнинг комплекс технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” бўйича илмий-амалий ишланмаси учун;
адабиёт соҳасида:

Каримов Наим Фатиховичга — “Абдулла Қодирий замондошлари” асари учун;
санъат ва меъморчилик соҳасида:
Аликулов Алишер Махмудовичга — Самарқанд вилоятидаги Имом Бухорий илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент шаҳридаги “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасида жойлашган “Шон-шараф” музейида ишланган маҳоратли рангтаасвир асарлари учун.
Иккинчи даражали Давлат мукофотлари куйидагиларга берилсин:
фан ва техника соҳасида:

Квинт Владимир Львовичга — “Амир Темурнинг стратегик етакчилиги: “Тузуқлар”-га изоҳлар” илмий монографияси учун;
санъат ва меъморчилик соҳасида (санъат ва меъморчилик соҳасида кўзда тутилган 1 та иккинчи даражали Давлат мукофоти ўрнига 2022 йил учун истисно тариқасида 2 та иккинчи даражали Давлат мукофоти берилиши белгилансин):
Миртаджиев Джалалитдин Турсуновичга (мархум) — мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ва бир қатор хорижий мамлакатларда ишланган ҳайкалтарошлик асарлари учун;
Мухаммедов Назимаддинга — “Гул-ла-яшна, Ўзбекистоним!” симфоник поэмаси, “Айжамал” балети ва “Гулолим” операсига ёзилган мусиқий композициялари учун.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2022 йил 12 декабрь

Пойтахтимизда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижодий ва илмий зиёлиларининг XV форуми бўлиб ўтмоқда. Унда мамлакатимиз ҳамда МДҲ республикаларининг фан, таълим, маданият ва санъат соҳаси фаоллари иштирок этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН МДҲ ИЖОДИЙ ВА ИЛМИЙ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ XV ФОРУМИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Форумда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Озодбек Назарбеков янгиланиб бораётган Ватанимизда маданият ва санъат, илм-фан ривожига ислоҳотлар жараёнининг устувор жиҳати сифатида эътибор қаратилётганини таъкидлади.
МДҲга аъзо давлатлардан 200 нафардан ортиқ ижодкор ва илмий зиёлилар қатнашаётган мазкур юбилей форуми барча иштирокчиларнинг ҳамкорлига ва ҳамжиҳатлигига бўлган қатъий ишонч ва интилишини яққол намойён этмоқда.
Форумда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия кўмитаси раиси — Ижроия котиби Сергей Лебедевнинг тадбир иштирокчиларига табриги ўқиб эшиттирилди. Унда қайд этилганидек, мазкур форум келгуси ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга

хизмат қилади. Айна пайтда Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан унинг доирасида янги гоълар, илгор лойиҳаларга асос солинмоқда.

Айтиш жоизки, МДҲ Ижодкор ва илмий зиёлиларининг форумлари 2006 йилдан бошлаб турли мамлакатларда навбат-навбат ўтказиб келинмоқда. Улар Ҳамдўстлик мамлакатларида ҳар йили ўтказиладиган энг йирик гуманитар тадбирлар бўлиб, унда ўтган йил яқунлари сарҳисоб қилинади. Қўшма ҳаракатлар режалари муҳокма қилинади, фан, таълим, маданият, ахборот, туризм, спорт, ёшлар билан ишлаш соҳаларида ҳамкорликнинг энг долзарб масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.



ЮРАКЛИ ШЕЪРИЯТ

Усмон Носирни кўпчилигимиз такрор ўқидик; қайта идрок қилмоқдамиз. Шоир юрагининг туб-тубидан отилиб чиққан мардона сўзи ва созининг латиф оҳанги ҳали шу кунга довр сада бериб турибди. Унинг кўнгил бўстонида униб чиққан чечаклар ҳали шу кунга довр ўз ифори, ўз таровати, ўз латофати билан барчани ҳайратга солиб келади.

“Ишқининг энг олий тухфаси — шеърим”. XX аср ўзбек шеърининг тарихида худди чакмақдек барчанинг эътиборини тортган Усмон Носир қисқа умр кўрди. Бироқ у ўзидан таҳлил ва талқинга муносиб адабий мерос қолдирди. Ўз вақтида шеърлари тилларда дoston бўлган шоир шеърларида ўзига хос ҳайрат ва ҳаяжон шиддати кузатилади. Уларда “ёшлиқнинг шўхлиги ва мағрур”лиги жўш уради. “Фикр — бола, бола — ўсувчан!” Шу боланинг, ёш шоирнинг ижодий камолот йўлини тўсиб қўйди давр. Усмон Носирнинг “болалиги гул боғларни кўролмаган”, ёшлиги саргузаштларга ниҳоятда бой эди. У зиддиятлар замонининг шоири эди. Унинг тушунчалари, туйғулари, сезимлари давр билан бирга туғишган эди. “Осмондай юксалар орзу ва армон...”. Орзу билан армон ёнма-ён...

“Киприги кўксига соя солган қиз” — бу таъбир гўзал, бу топилдиқ таъбир. Барча билади. Қушларнинг “мунчок кўзлари”ни эса шоир шоирона илғайди, кўради. Шоирлар қалби, сезими нафосат ва гўзаллик билан йўғирилган бўлади. “Денгиз ойна каби ялтирар” ёки “Ой — гўёки паршонхўл қиз” — ҳаёл кўзи билан кўриш мумкин бу реалликни. Чин шоирлар анланган, сезилган гўзаллик ҳақиқатларини бошқалар ўйламаган тарзда тасвирлайди.
Ижод аҳли учун илҳом онлари, лаҳза ва уни қўлга олиш муҳим. Бу руҳий-психологик кайфият ҳар кимда ҳар хил кечади. Усмон Носир “илҳомнинг эса вақти йўқ, селдай келади”. Сел — у селдир. Раҳмсиз у, дилни тилади.
Гоҳида шоир табиат билан тиллашади, жамиятга аралашади, “кўёш билан суҳбат”



қуради. Баъзан нигоҳини ичкарига қаратади, юрагига муружаат этади:

**Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жүр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.**

Мисра — юрак кардиограммаси. Усмон Носир шеърини юракли шеърини. Шеър — юракнинг дарди, нақши. Шоир ёзган мактублар — юракдан тўқилган дур-гавҳар. Юракни шеърга солиш, уни таржима қилиш қийин иш. Усмон Носир шеъринида юрак — ўзак образ. У ишқли, жонли, ўтли, тилли, дилли. Сирлашишга, гуруннга, мулоқотга муносиб юракдир шоир юраги...



Ўзбекистон Фанлар академиясида XX аср ўзбек адабиётшунослиги, адабий танқидчилиги, санъатшунослиги ва маданиятшунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган устоз-мураббий, етук олим, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги Наим Каримов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган “Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари” мавзусида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ЗАҲМАТКАШ ОЛИМ МЕҲНАТЛАРИНИНГ ҚЎШАЛОҚ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг атоқли олим Наим Каримов таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислохотларга қўшган муносиб ҳиссаси, ўзининг ёрқин истеъдоди, кенг қамровли ижодий, илмий-амалий фаолияти билан халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги, истеъдодли ёш олимларни тарбиялашдаги муносиб хизматлари ҳамда таваллудининг 90 йиллиги муносабати билан адабиётшунос олим Наим Каримов “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонига сазовор бўлди. Анжуманда мазкур фахрий унвон олимга тантанали тарзда топширилди.

Эътиборга молик жиҳати, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотларини бериш тўғрисида”ги фармонида кўра, “Абдулла Қодирий замондошлари” асари учун Наим Каримов адабиёт соҳасида биринчи даражали Давлат мукофоти сазовор бўлди. Бу эса мамлакатимизда ижод, заҳматли тадқиқотлар, фидокорона меҳнат, ёшларнинг маърифий камолоти йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатлар доимий эътибор ва эъзозда эканини яна бир ёрқин намунасидир.

Анжуманда Наим Каримовнинг ҳаёт йўли, ижодини акс эттирувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси вице-президенти Баҳром Абдуҳалимов, Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари Минҳожиддин Мирзо ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси асосида ижодкор зиёлиларга кўрсатилаётган юксак эъти-

бор ва ғамхўрлик адабиёт, санъат соҳаси вакиллари янада катта масъулият ва фидоийлик билан меҳнат қилишга қорлаётганини таъкидлади.

— Наим Каримов аввалги тоталитар тузум ижтимоий ҳаётимизга зўрлаб синдирилган мураккаб даврни, истибодни кўрган, — деди Ўзбекистон Қаҳрамони, атоқли адабиётшунос олим Иброҳим Фафуров. — Исмоил Фаспирали, Абдулла Қодирий ва бошқа жадид маърифатпарварлар қандай адабий жараёнлар, манзараларни кўрган бўлса, Наим Каримов ҳам шуларни кўриб, адабий манзараларни тасвирлаб келмоқда. Олим асос солган маърифий-биографик, илмий-тадқиқот романлар адабиётимиз ривожига буюк ҳисса бўлиб қўшилди. Наим Каримовнинг тадқиқотлари Туркия, Франция, Озарбайжон ва бошқа кўплаб хорижий давлатларда катта қизиқиш билан ўрганилади. Унинг тадқиқотларидан Усмон Носир, Чўлпон, Миртемир домлаларнинг овози келиб туради. Олим архивларда ишлаб, Ойбек, Чўлпон, Беҳбудий каби кўплаб маърифатпарварлар фаолиятини ўрганди. Уларнинг сиймосини янада ёрқинроқ гавдалантирди.

— Мамлакатимизда илм-маърифат, адабиёт ривожини Президентимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда, — деди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид. — Илмга, маърифатга ташна жадид боболаримиз бугун адабиётшунос олим Наим Каримов тимсолида намойён бўлмоқда. Кўплаб ёшларнинг устози бўлган Наим Каримов жадид боболаримиз каби заҳмат чекди. Улар каби изланди.

Дарҳақиқат, атоқли ёзувчи ва олим, филология фанлари доктори, профессор, илмий ва оммабоп асарлар муаллифи, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ўзбекистон Республикаси фан арбоби Наим Каримов бутун умрини адабиёт соҳасига бағишлаган ижодкордир. Олим мустамаलाқчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш йўлидаги тадқиқотлари, хизмати учун “Эл-юрт хурмати” унвонига сазовор бўлган.



Наим Каримов ўндан ортиқ китоблар, юздан зиёд мақолалар ёзган, турли анжуман ва симпозиумларда маърузалар ўқиган, ёрқин илмий фаолияти учун Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. У ўз ижодий фаолияти давомида ўзбек адабиётининг бетакрор намоёндаларидан бирига айланган. XX аср ўзбек адабиёти ривожини Наим Каримовсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Мана, бир неча йилдирки, Наим Каримов мустамалақчилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш устида иш олиб бормоқда. У “Шаҳидлар хотираси” мемориал мажмуасига ҳамда “Қатагон қурбонлари хотираси” музейига асос солинишида самарали ҳисса қўшган.

Халқаро миқёсда бўлиб ўтган анжуманда юртимиз олим ва зиёлилари билан бирга зооп платформаси орқали хорижий давлатларнинг олимлари томонидан Наим Каримов фаолияти, тадқиқотлари хусусида атрофлича сўз юритилди.

Дарҳақиқат, Наим Каримов миллий адабиётимизда маърифий-биографик илмий тадқиқотларга таянган ўзига хос романчиликка асос солди.

— Президентимизнинг бундай юксак эътиборидан бошим осмонга етди, — деди Ўзбекистон Республикаси ёшлар мураббийси, атоқли адабиётшунос олим Наим Каримов. — Қувончмининг чеки йўқ. Камтарона меҳнатларим юксак қадрлангани мени жуда қувонтирди. Президентимиз, халқимиз эътирофи, Ватанимизнинг юксак фахрий унвонига ҳамда давлат мукофотига муносиб кўрилганидан гоъят бахтиёрман.

Анжуманда академик Наим Каримовнинг ўзбек адабиёти, адабиётшунослиги, театршунослиги, санъатшунослиги, миллий уйғониш даври адабиёти, жадид адабиёти, умуман миллий маънавиятимиз равнақига қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил сўз юритилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

Бир асрдан кўпроқ тарихга эга бўлган ўзбек киноси сўнгги йилларда ривожланишининг янги босқичига кўтарилди. Буни миллий кинематография соҳасидаги янги ўзгаришлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Ватанимиз тарихи, буюк аждодларимиз ҳаёти, Янги Ўзбекистондаги ўзгаришлар, халқимизнинг бугунги кундаги қувонч ва ташвишлари ҳақидаги фильмлар сони ва сифати ортмоқда.

КИНО — ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК КЎПРИГИ

ҚАРДОШ ДИЁРГА ТАШРИФ

Чорак аср аввал тўхтаб қолган Тошкент халқаро кинофестивали қайта тикланди, дунё миқёсида катта нуфузга эга бўлган Бутунроссия давлат кинематография институту филиали иш бошлади. Ўзбекистон Кинематография агентлиги тарихидаги тузилмалар бугунги кун талаблари асо-

сида қайтадан ташкил этилди. Хориждан энг сўнгги русумдаги техникалар келтирилмоқда. Ўзбек кино усталари ишлаган фильмлар халқаро фестивалларда юқори ўринларни қўлга киритмоқда. Бу борада узоқ ва яқин ўлкалар киноижодкорлари билан ҳамкорлик алоқалари кенгайиб бораётгани, турли мамлакатларда Ўзбек

киноси кунлари юқори савияда ўтказилаётгани, ҳамкорликдаги кинолойиҳалар сурага олинаётгани ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги ва Озарбайжон Республикаси Маданият вазирилик ташаббуси билан жорий йилнинг 7-10 декабрь кунлари Боку шаҳрида “Ўзбек киноси кунлари” бўлиб ўтди. Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдуҳолиқов раҳбарлигидаги делегация таркибидан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева, кинорежиссёрлар Рустам Саъдиев, Элдор Мамедов, Дилмурод Мамаидов, киножурналистлар Феруза Нодирова, Шоира Рауфбоева ва бошқалар ўрин олган.



Давоми, бошланиши 1-саҳифада**АСРЛАР СИНОВИДАН ЎТГАН ДЎСТЛИК**

Айтиш жоизки, дунёда тили, урф-одатлари, маданияти, ҳатто ташқи кўриниши жиҳатидан бир-бирига ўхшаб кетадиган миллат ва элатлар кўп. Ўзбек ва озарбайжон халқларини ана шулар қаторига бемалол қўша оламиз.

Бу икки буюк халқни асрлар мобайнида бир-бирига боғлаб келган ришталар бисёр. Халқларимизнинг муштарак ёдгорлиги ҳисобланмиш “Авесто”, “Ошиқ Ғариб”, “Гўрўғли” сингари қадимий ёдгорликлар азалий қардошлик, дўстлик ва биродарликнинг ёрқин исботидир. Ўзбек мақомлари ва Озарбайжон муғомлари орасидаги ҳамоҳанглик ҳар икки халқ ўртасидаги ақинликни ўзида ифодалайди. Назм мулкнинг султони Ҳазрат Мир Алишер Навоий буюк Шарқ мутафаккирларидан бири Низомий Ганжавийни ўз устозларидан бири сифатида эътироф этган. Ўз навбатида, Мухаммад Фузулий Ҳазрат Навоийнинг издошларидан саналади. Шоҳ ва шоир Заҳириддин Мухаммад Бобур ва Шоҳ Исмоил Сафавий орасидаги дўстона муносабатлар тарихий манбаларда ўз аксини топган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев раҳбарлигида мамлакатларимиз ўртасида ҳар томонлама алоқалар тобора мустақамланиб бормоқда. Давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари, учрашувлари асосида ўнлаб ҳужжатлар имзоланган. Аини пайтда маданият, санъат, хусусан, кинематография йўналишидаги ҳамкорлигимиз ҳам ривожланмоқда.

ҚАДРДОН КИНОЛАР, ТАНИШ ЧЕХРАЛАР

Озарбайжон кўносининг беназир намуналари кириб бормаган ўзбек хонадонини топиш мушкул. Озарбайжон киноусталари томонидан яратилган “Аршин мол-олон”, “Қайнона”, “Аҳмад қаерда?” сингари ўлмас фильмларни ўзбек томошабинлари бугун ҳам айрича завқ-шаўқ ила томоша қилишади. “Тоҳир ва Зуҳра”, “Тошкент – нон шаҳри”, “Сен етим эмассан”, “Тўйлар муборак” каби ўзбек киноасарлари қардош томошабинлар учун ҳам қадрдон бўлиб қолган.

Шукур Бурҳонов, Ўлмас Алихўжаев, Тамара Шокирова сингари ўзбек актёр ва актрисалари Озарбайжон картиналарида роль ўйнаган бўлишса, Расим Балаев, Таризъл Қосимов, Насиба Зейналова сингари озарбайжонлик санъаткорлар ўзбек фильмларида бетақор образлар яратишган. Икки давлат киноусталари ҳамкорлигида яратилган “Учрашув”, “Қизил поезд”, “Шерали ва Ойбарчин” бадий фильмлари минглаб томошабинлар қалбидан жой олган.

НОДИР ХАЗИНА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

“Ўзбек киноси кунлари” доирасида киноижодкорлар Озарбайжон Республикаси Маданият ва

зирлиги ҳузуридаги Давлат кино фондига ташриф буюрди. Фонд раҳбари Жамил Гулиев икки мамлакат кино фонди усталари ҳамкорлиги узоқ тарихга эгаллигини, сўнгги йилларда бу ҳамкорлик янада чуқурлашиб бораётганини қайд этди.

– Мен бутун ҳаётимни кино санъатига бахшида қилганман, – деди Жамил Гулиев. – Фондимизда 20 дан ортиқ мамлакат кино тарихи билан боғлиқ ўн минглаб фото ва видеоматериаллар, қўлёзмалар, рекевизитлар, ҳужжатлар сақланмоқда. Улар орасида ўзбек киноси тарихига оид қимматли тарихий материаллар ҳам анчагина.

Дарҳақиқат, бугунги Озарбайжон давлат кино фондида ўзбек кино усталари ижодига мансуб 48 та фильм кинотасмаларда сақланмоқда. Бундан ташқари, ўзбек киносининг тарихий онлари, буюк санъаткорларимизнинг ёрқин сиймолари акс этган 3000 дан ортиқ фотосуратлар мавжуд. Жамил муаллим суҳбат асосида Мелис Абзалов, Йўлдош Аъзамов, Ўлмас Алихўжаев, Шўхрат Аббосов билан

либ, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз сингари қадимий шаҳарлар нафақат Ўзбекистон, балки Турк дунёсининг маданий марказлари эканига ишонч ҳосил қилганман. Икки мамлакатда миллий кино кунларини ўтказиш яхши анъанага айланган. Бундан кейин ҳам киноижодкорларимиз ўртасидаги маданий ҳамкорликни ривожлантириш, янги-янги лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солишга тайёризм.

Ўзбекистонлик киноижодкорлар ҳам мулоқот давомида икки халқ маданий ҳамкорлигини мустақамлашга имкон қадар ҳисса қўшишларини билдиришди.

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАСДАН ҚОЛМАС

Кечки пайт Боку шаҳридаги Низомий номли кино марказида Ўзбекистон киноси кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Кинематография агентлиги делегацияси, Озарбайжон Маданият вазирилиги, Ўзбекистоннинг

ҲЎЖА НАСРИДДИНДАН ТАҒИЕВГАЧА...

“Ўзбек киноси кунлари” доирасида икки халқ кино усталари ҳамкорлигидаги кинолойиҳалар бўйича ҳам фикр алмашилди.

Аини пайтда ўзбек ва озарбайжон киноусталари томонидан “Ҳўжа Насриддин: оғир кунлар ҳамроҳи” бадий фильмининг суратга олиш бўйича музокара-лар давом этмоқда.

– Хабарингиз бор, жорий йилда Ҳўжа Насриддин латифалари ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мероси рўйхатида киритилди, – деди озарбайжонлик кинорежиссёр Вағиф Мустафаев. – Ўзбек ва озарбайжон халқларининг умумий қаҳрамони бўлган Ҳўжа Насриддин ҳақида суратга олинмаган янги фильм нафақат бизнинг томошабинларимиз, балки жаҳон кино мухлислари учун ҳам муносиб тўхфа бўлишига умид қиламиз.

9 декабрь куни Боку медиа марказида ҳам ўзбекистонлик ва озарбайжонлик киноижодкорлар учрашуви ўтказилди. Мазкур учрашувда ўзаро ҳам-

зода” сингари бадий ва ҳужжатли фильмлари намойиш этилди. Эътиборлиси, ҳар бир намойишда заллар томошабинлар билан тўлди. Намойиш тугамай туриб, кинозални тарқ этиш ҳоллари кузатилмади. Киномухлислар сеанслардан сўнг ўз таассуротлари ва ҳаяжонларини биз билан баҳам кўришди.

– “Аёл қисмати” фильми менда айрича таассурот қолдирди, – деди томошабинлардан бири, журналист Холид Қазимли. – Фильмда оддий ўзбек аёли тақдир мисолида аср фожияси бўлган халқро терроризмнинг муҳиш қиёфаси очиб берилган. Бундай ҳолатлар, афсуски, бизнинг мамлакатимизда ҳам юз берган. Ушбу фильм томошабинни, айниқса, ёшларимизни, хотин-қизларимизни мушоҳадага, огоҳликка чорлайди. Режиссёрнинг маҳорати, топқирлигига қўйил қолмаслигининг илоҳи йўқ.

“Ўзбек киноси кунлари” ёрқин лаҳзаларга, ёқимли таассуротларга бой бўлди. Озарбайжонлик кино мухлислари билан учрашувлар ҳам қизгин ва самимий руҳда кечди.

– Озарбайжонга биринчи келишим, – дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева. – Аммо бу ўлкада ўзимизни хорихда эмас, ўз Ватанимизда юргандек ҳис этдик. Ҳар лаҳзада қардошларимизнинг меҳрини, ҳурмат-эҳтиромини ҳис этиб турдик. Ҳар бир намойиш сўнгига улар биз билан узоқ суҳбатлашиб, фильмларимиз манзур бўлганини билдиришди, ижодий фаолиятимиз билан қизиқишди. Умуман олганда, Бокуда кечган кунларимиз мен учун бир умр эсда қоларли хотираларга айналди.

«БОКУНИНГ ҲАР ЁНИ ГУЛДИР, ЧЕЧАКДИР...»

Аини пайтда Ўзбекистон маданий меросини асраш, урганиш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамияти аъзолари ҳам Озарбайжондаги кутубхоналар, музейлар ва илмий муассасаларда турли учрашувлар ўтказдилар.

Хусусан, Озарбайжон Миллий фанлар академиясининг Фузулий номидаги Қўлёзмалар институтида бўлиб, бу ерда сақланаётган Ўзбекистон маданий меросига оид қўлёзмалар билан ҳам таанишишди. Бу ерда Алишер Навоийнинг қатор девоналари, “Бобурнома”нинг XVII асрдagi қўлёзмаси, Ибн Сино асарларининг нодир нусхалари, Абдуллоҳ Ҳотифийнинг “Темурнома”си ва бошқа дурдоналар ўрин олган.

Шунингдек, ўзбекистонлик меҳмонлар Озарбайжон тарихи давлат музейи, “Ичери шаҳар” ёдгорлик мажмуаси, Озарбайжон давлат санъат музейи, Ҳайдар Алиев марказида ҳам бўлдилар. Чиндан ҳам Озарбайжонда салкам бир ҳафта давом этган “Ўзбек киноси кунлари” икки давлат маданий ҳаёти саҳифаларидан жой олди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Рустам ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Кинематография агентлиги бадий кенгаши аъзоси.
ЎЗА

КИНО – ДЎСТЛИК ВА ҚАРДОШЛИК КЎПРИГИ

боғлиқ хотираларини сўзлаб бераркан, кўзёшларини тутиб туролмади.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов самимий қабул ва меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, ҳамкорлик учун барча имкониятлар сафарбарлик қилинишини қайд этди. Жамил муаллимнинг ўзбек киносининг тарихий меросини сақлашдаги фидойилиги Ўзбекистон Кинематография агентлиги томонидан муносиб тақдирланганини қайд этди ва Озарбайжон давлат кино фонди раҳбарига “Ўзбекистон кино санъати” китоб-альбомини тақдим этди.

МАДАНИЙ ҲАМКОРЛИК ЯНАДА РИВОЖЛАНАДИ

7 декабрь куни ўзбекистонлик киноижодкорлар Озарбайжон Республикаси Маданият вазири Анар Каримов билан учрашдилар.

Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар узоқ тарихга бориб тақалишини қайд этди

– Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳамда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев ташаббуслари билан мамлакатларимиз ўртасидаги маданий алоқалар ҳам янги босқичга кўтарилмоқда, – деди Анар Каримов. – Бир неча бор мамлакатингизда бў-

Озарбайжондаги элчихонаси вакиллари, кино ихлосмандлари иштирок этди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Кинематография агентлиги бош директори Фирдавс Абдухолиқов кириш сўзи билан очди.

– Оққан дарё оқаверади, деган нақл бор. Биз бу ҳолатни кейинги йилларда ўзбек ва озарбайжон киноусталари ўртасида ҳамкорлик тобора ривожланиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин, – деди Фирдавс Абдухолиқов. – Сўнгги олти йилда бир неча бор Ўзбекистонда Озарбайжон, Озарбайжонда Ўзбекистон киноси кунлари ўтказилди. 2021 йилда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан қайта тикланган “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалида озарбайжонлик ҳамкасбларимиз фаол иштирок этиб келишмоқда. Аини дамда икки давлат киноусталари ҳамкорлигида бир қатор янги лойиҳаларни бошлаганмиз. Умид қиламизки, бу ҳамкорлик тез орада қутилган самараларни беради.

Очилиш маросимида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева, ўзбекистонлик таниқли кинорежиссёр Элдор Мамедов, Озарбайжон давлат фильм фонди директори Жамил Гулиев ва бошқалар икки мамлакат киноижодкорлари ҳамкорлиги хусусида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг томошабинлар эътиборида икки халқ дўстлиги ҳақида ҳўқоя қилувчи “Азалий дўстлик ва қардошлик” ҳужжатли фильми намойиш этилди.

корликдаги лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан келишувларга эришилди.

Озарбайжонлик ёш киноижодкорлар “Ипак йўли дурдонаси” Тошкент халқаро кинофестивалида иштирок этишганини фахр билан ёдга олишди. Аини пайтда озарбайжонлик кино усталари таниқли жамоат арбоби, боқулик санъат ва маданият ҳўмиеси, йирик саноат ходими Ҳўжи Зайнуллобиддин Тағиев ҳақида саккиз қисмли бадий фильм яратилаётгани, фильмининг маълум қисми Ўзбекистон ҳудудида суратга олинишини маълум қилишди.

Ўзбекистон делегацияси раҳбари Фирдавс Абдухолиқов З.Тағиевнинг ҳаёти ва фаолияти бугунги ёш авлод учун намуна бўла олишини, унинг Бухоро амирлиги билан алоқаларини чуқурроқ урганиш, кино воситасида бу борадаги маълумотларни томошабинларга етказиш лозимлигини қайд этди. Мазкур сериалнинг маълум қисмларини Ўзбекистонда суратга олинишида зарур ёрдам кўрсатилиши, сериални яратишда ўзбек санъаткорлари ҳам бевосита иштирок этиши мумкинлигини таъкидлади.

«БИЗГА ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ МАНЗУР БЎЛДИ»

Кино кунлари доирасида озарбайжонлик кино мухлислагига режиссёрлар Дилмурод Масаидовнинг “Аёл қисмати”, Ёлқин Тўйчиевнинг “Фарида”нинг 2000 қўшиғи”, Рустам Саъдиевнинг “Барон–2”, “Соғинч”, Нурулла Нарзуллаевнинг “Мақсуд Шайх-

ЎЗБЕКISTON МДХ ИЖОДИЙ ВА ИЛМИЙ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ XV ФОРУМИГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бу галги ўн бешинчи форумнинг мавзуси – «Гуманитар ҳамкорлик – ўттиз йиллик тажриба ва ривожланиш истиқболлари» замонавий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, ҳамкорлик режаларини муҳокама қилиш ҳамда ишнинг устувор йўналишлари ва шакллари билан белгилашни назарда тутди. Пленар йиғилишларда ва ихтисослаштирилган бўлимларда олимлар, педагоглар ва санъаткорлар касбий ҳамкорликнинг турли жиҳатларини: таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг янги форматлари, ёшлар билан ишлашда узлуксизлик ва инновациялар, маданиятлараро мулоқотни шакллантириш, адабиёт ва китоб наشريёт соҳасида ҳамкорликда интеграция механизми муҳокама қилинмоқда. Марказий давра суҳбати МДҲда «Халқ ижодиёти ва маданий мероси йили» деб эълон қилинган йилнинг асосий мавзусига бағишланди.

Санъат, фан ва таълим соҳасидаги улкан ютуқлари учун берилмаган МДХнинг Давлатлараро бош мукофоти – «Ҳамдўстлик юлдузлари» лауреатларини тантанали тақдирлаш маросими форумнинг кульминацион нуқтаси бўлди. МДХ давлатларининг ёшлар мукофоти – «Ҳамдўстлик дебютилари» совридорлари ҳам ўз мукофотларини олди.

– Тошкент азалдан дўстлик, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзаро ҳурмат шаҳри бўлиб келган, – деди Озарбайжон Бадий академияси кенгаши раиси, «Ҳамдўстлик юлдузлари» мукофоти соҳиби Натик Алиев.

– Мазкур форумнинг аҳамияти ҳам янги ғояларга туртки бериши, айниқса, ёшларни изланишга, ўзаро ҳурмат ва баркиргенликка чорловчи лойиҳаларга асос бўлгани билан аҳамиятлидир. Мен «Ҳамдўстлик юлдузи» мукофотига муносиб кўрилган-

нимдан беҳад мамнунман. У янада янги ижодий парвозларга туртки беради.

– Бундай ажойиб форумда иштирок этаётганимдан беҳад мамнунман, – деди Арманистон Республикасининг таълим, фан, маданият ва спорт вазири ўринбосари Араик Хзмалян. – Бугунги мураккаб глобаллашув даврда бундай маърифий майдонларнинг аҳамияти беқиёсдир. Улар ғоят муҳим ва керакдир. Бир неча йиллардан буён Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижодий ва илмий зиёлиларининг форумларида қатнашиб келаман. У қўллаб янги лойиҳаларга асос бўлмоқда. Масалан, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон кутубхонаси ноширлик, реставрация, кутубхоначиликка доир Арманистонда бўлиб ўтадиган турли семинар ва анжуманларда фаол қатнашиб келаман.

Анъанага кўра, форум доирасида Ҳамдўстлик маданияти пойтахтлари эстафетаси топширилди. Бу йил Қирғизистоннинг Қоракўл шаҳри Ҳамдўстлик маданияти пойтахти мақомида бўлиш тажрибасини МДХ-2023 бош мадроти маркази Санкт-Петербург билан ўртаклашди.

Форумларнинг яна бир анъанаси – МДХ давлатларининг гуманитар соҳадаги ҳамкорликдаги фаолиятини акс эттирувчи кўргазмалар ташкил этишдир. Бу сафарга кўргазма Ҳамдўстлик мамлакатларидаги мавзули йилларнинг асосий тадбирларига бағишланади.

Форумнинг маданий дастури доирасида МДХ давлатларининг Ёшлар симфоник оркестри чиқишлари бўлиб ўтди. Оркестрни яратиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ижодий ва илмий зиёлилари форумининг муҳим лойиҳаларидан биридир.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

мизда ва бошқа адабий нашрларда ёри-тилаётгани ҳам алоҳида эътиборга молик. Ижодкор ёшларнинг машқлари жамланган “Ёшлик баёзи”, “Умид гўнчалари” тўпламлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг “Адабиёт” нашриётида чоп этилди.

Мақтабда ўқувчиларнинг ҳар томонлама билим олишларига, фан олимпиадалари, турли танловлардаги иштирокига алоҳида эътибор қаратилган. Ижодкор ўқувчилар республика, минтақавий ҳамда вилоят миқёсидаги турли тадбирларда фаол. Айниқса, Андижон давлат университети, Ўзбекистон давлат санъат ва ма-

ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

даният институти ҳамда Ўзбекистон халқ шоири Мухаммад Юсуфнинг оиласи билан ҳамкорлик қилинаётгани ўқувчиларни янги марраларга руҳлантирмоқда.

Республика ёш ижодкорлари семинарларида қатнашиб устозлар эътиборига тушган Ирода Орифжоновна, Машхура Ботирова, Шаҳзод Абдуллаев, Одина Эгамбердиева каби ёшлар аини пайтда олий ўқув юртларида таҳсил олмоқдалар. Гулчирай Давронбекова, Моҳларой Зафаржоновна, Зиёда Абдужалилова каби



ёшларнинг эришган ютуқлари ҳам таҳсинга лойиқ. Баҳора Абдунабиева, Шаҳноза Аҳмадуллаева, Жасмина Комилова, Сарвиноз Латипова, Райҳона Ҳақимова, Элнура Норқулова, Соҳида Фафурова, Зулайхо Эргашалиева, Гуласал Давронбекова “Зулфияхоним издошлари” сифатида эътибор қозонмоқда. Мақтаб ўқувчиси Акмал Абдураҳмонов “Мард ўғлон” давлат мукофотига лойиқ кўрилган бўлса, Ижод мактаби директори Шўхистахон Нурматова “Соғлом турмуш”

Хуршида ВАҲОБЖОН қизи,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилояти бўлими раҳбари

“Ижод ёш танламайди”, деганлари рост экан. Тошкент вилояти Қиррай тумани Байтўрғон қишлоғида бўлиб ўтган адабий-маърифий тадбирда бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдик. Салкам 80 ёшни қаршилаётган отахон Рўзи Очилнинг “Орзулар рўёби” шеърий тўплами тақдиротида кўп бора тилга олинган бу ибора, дарҳақиқат, ўзига ҳос мажозий маънога эга. Чунки бу Рўзи Очилнинг яқин 15 йил ичида чоп этилган эзлик бешинчи китобидир.

Ижодкор Бўстонлик туманининг Хондайлик қишлоғида таваллуд топган. Ёшлиғиданоқ у санъатга ва адабиётга ихлоси баянлигини намоян эга олди. Шеъриятга шайдолик ҳам ўша кезларда туртилган бўлса, ажабмас. Йиллар ўтиб педагогикдан нафақага чиққан Рўзибой ота ўз ижод намуналарини тўплаб, 2007 йилда “Армонли дунё” шеърий китобини чоп эттирди.

Жорий йил ижодкор учун сермахсул келди. “Ҳикмат бирликда”, “Қадр шамолни”, “Соғинч” номли китоблари ўқувчилар қўлига етиб борди. Меҳнатлари самараси ўлароқ, Рўзи Очил “Ўзбекистон Конституциясининг 30 йиллиги”, “Меҳнат фахрийси” кўприк нишонлари билан тақдирланди.

КИТОБ – МАЪНАВИЯТ ҚАНОТИ

“Орзулар рўёби” тўплами тақдиротида адабиёт ихлосмандлари, ижодий жамоалар вакиллари, талаба ва ёшлар, тенгдош ва маҳалладошлари ўзларининг дил сўзларини айтдилар. Тадбирда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси Абдуҳамид Фозилов, “Кўприкбоши” маҳалла фаоли Умарбой Сидиков, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Турсунмурод

Йўлдошев, меҳнат фахрийси Илҳом Абдураҳимов ва бошқалар сўзга чиқиб. Р.Очил босиб ўтган ибратли ҳаёт йўли, маҳаллаларда ўтказилаётган бу каби маърифий тадбирларларнинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўзладилар.

– Мен шоирликка даъвогар эмасман. Илҳом мен учун фақат ижодий завқ, – дейди Р.Очил. – Ижодсиз ҳаётимни тасаввур қила олмайман. Юракдаги-туйғуларимни тўкиб солгач, енгил тортаман. Ижод завқини фақат шеърят шайдоларигина англаши мумкин. Китоб тақдиротида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Тўлқин Эшбек, Бахтиёр Ҳайдар иштирок этиб, отахон қаламкашнинг ижодига омад тиладилар.

Абдул ҲАМИД

ШУХРАТ ОРИФ

ЯШАМОҚ МУМКИНДИР ФАҚАТ ЛАХЗАДА



ҚОР. МЕН. ЁР

Деразамда хансирайди қор
(Гўё кўкдан тушгандайин эрк).
Ҳасратимдан излар кимнидир,
Худди сени излаб келгандек...

Деразадан сочилди умрим,
Англасам-да – ҳамма йўллар берк.
Келарингни кутдим, барибир
Худди сени излаб келгандек...

Деразадан мўлтирайман мен,
Деразада хансирайди қор.
Исмингни оятдек пичирлаб,
Сенсизликда эрияпмиз, ёр..

Орамизда йигирма куз бор,
Йигирма баҳор бор, сарсари.
Орамизда ҳамма бахтиёр,
Иккимиз – энг бахтиёр гариб!

Орамизда – исмсиз йиллар
Ва миллиард одам бор, исмли.
Орамизда – соқов кўнгиллар,
Орамизда – сершовқин жимлик...

Орамизда – висол ҳадиғи,
Орамизда – бахт тиклаган дор.
Орамизда кўпмас... атиғи
Йигирма томчилик кўзёш бор...

Орамизда қисмат саргардон,
Орамизда – зериккан қафас.
Орамизда дунё сақлар жон,
Фақат бизга етмайди нафас...

Орамизда севги бор, гулим –
Биргалик йўқ, лек бир бўлиш бор.
Бизга ҳавас қилади ўлим –
Исмингни пичирлаб ўлиш бор...

Сендан гўзал эди дардларинг
(Мен уларни севдим аслида).
Менга туҳфа этдинг маъюслик,
Умримнинг энг маъюс фаслида.

Кўзларимдан изладинг бахтни,
"Бахтли бўлмоқ шартми, гул", дедим.

Одам каби яшагим келмас,
Одам каби севмоқчи эдим...

Биз лойиқмиз буюк қисматга,
Майда қисмат бахтли бўлмоқлик.
Кўзларингнинг ёшини кўрдим –
Энди ечим эмас ўлмоқлик!

Сендан гўзал эди дардларинг...

ҚИРҚИНЧИ КУЗ

Умидлар умиднинг аксидек,
Сарпойчанг мўлтирар орзулар.
Япроқлар ҳилпирай байроқдек
(Бойроқ бўлиб ўлади улар...)

Гаплашгиси келмайди анҳор,
Куздек сочиламан Ўрдага.
Ғийбатимни қилар хазонлар,
Қисматимни олиб ўртага...

Музлаб қолган гулларни кўриб,
Эрий бошлар кўксингда оғриқ.
Қирқинчи кузимда англадим –
Мен уларга боғлиқман, боғлиқ...

Кетгим келар бу куздан нари...
Иқрорман... барини олгум тан.
Мен-ку зерикканим, шубҳасиз,
Куз ҳам зериккандек кузликдан...

Келишларинг кундек бетакрор
(Кўрганымда оламан нафас).
Дунё сал ўхшайди дунёга –
Ҳамма менга қилади ҳавас.

Кетишинг ҳам кундек бетакрор
(Хувиллайди кўнгил чамани).
Дунё сал ўхшайди дунёга –
Раҳми келар менга ҳамманинг...

Қўлларингдан тутиб келтирди тақдир,
Яна гуноҳ билан бўлдиқ юзма-юз.
Бу менинг истагим эмасди, ахир,
Хўкмисиз баҳорга етармиди куз?!

Йиғладинг худди Момо Ҳаво каби,
Хўрсиндим хўрсингандек Одам Ато.
Пичирлаб нимадир демоқчи лабинг...
Бизга раҳми келди гуноҳнинг ҳатто!

Эҳром қураётган куллардек ҳордим,
Кунларни ютмоқлик оғир тобора.
Елкадаги юкка чидамоқ мумкин,
Кўзлар оғирлашса топилмас чора...

Тангасин йўқотиб кўйган боладек
Ўксинаман ерга ниғоҳим тикиб.
Бу дунё борича одамларгадир,
Фақат ўша танга эди меники...

Қачондир чинакам яшагим келар...
Ҳаёт – тирикликка берилган ваъда.
Йилларда яшашга ишонш қийин,
Яшамоқ мумкиндир фақат лаҳзада...

Бу дунё Кўқоннинг бозори,
Савдогари кўп харидордан.
Ҳамма кулиб қарши олар-у,
Чикиш учун бермайди ёрдан.

Бу дунё – сершовқин кўпқари,
Ҳамма бир-бирига урар дўқ.
Жонни қийнаб от сурай десанг,
Арзирли бирорта соврин йўқ.

Бу дунё – ошиқлар мазори,
Телбалардан чарчаган қайғу.
Ҳақни топган авлиёларнинг
Очиқ қолган кўзларидир!

Дунё, ўғай каби қарама,
Мен ҳам кўҳна йиғиға эшман.
Маҳқум, маҳқум, минг йиллик маҳқум,
Чиройли кийинган дарвешман.

Қумсоатдек тўқилар лаҳза,
Исмини унутар ҳисларим.
Мен-ку кетар бўлдим музаффар,
Жавдираб турибди қизларим...

Эсиз, қалба увол кетмоқда,
Сендан гўзал кир чаман, дунё.
Фақат, фақат... қизларим учун,
Қўлларингни ўпаман, дунё...

ШУНЧАКИ...

Шунчаки кўзларим очилди –
Бир лойқа дарёга қўшилдим.
Билмасам ўтардим хузурда,
Афсуски, ҳаммасини билдим...

Шунчаки жилмайиб турибман,
Ичимда минг йиллик довулар.
Аршга термулганча илҳақ жон,
Шовулар, шовулар, шовулар...

Юзини яширар мандан ой,
Кувёш ҳам ингранди шоша.
Бошини чайқайди булутлар:
Ҳаммаси томоша, томоша...

Шунчаки турибди қўлда май,
Ўлиб борар миллионта ҳис.
Қани, чалмайсизми ногора,
Бир ўйнаб бераман, кўрасиз...

Илтижо қиламан тангрига,
Нега дунёингда мен дайди?

Шунчаки айлангир фалакни,
Шунчаки муҳаббат... бўлмайди!

Ҳар кеча йўлимда интиқ ёр,
Ёнинга бораман шунчаки.
Фақат кўзларимга тикилма,
Хўнграб юбораман шунчаки...

БИР КУН

Бир кун бу боғларга фусун қайтарму,
Матонат топарму яна гуллашга?!
Ахир, бу гулларнинг атрини истаб
Тангри бандасига кўнгил улашган.

Эркака етармикан бир кун бу тоғлар,
Тилга қирадимиз сукутдан толиб?!
Кўзларидан сизиб чиқолмаган қон
Бўғзидан отилар вулқон мисоли...

Дарёлар бир кунни йиғидан тўхтаб,
Чолиб чиқадими ўзанларидан?!
Сахроларга сингир кетавердилар –
Ишорани кутиб само қаьридан...

Бир кун бу булутлар топиб ҳаловат,
Дўпписини ечиб, қаҳ-қаҳ урарми?!
Улар Аршга йўлни тополмадилар,
Ахир, гуноҳи йўқ эди уларни...

Бир куни галати туш кўриб дунё,
Улоқтириб кўҳна занжирларини,
Қизиқ, қай манзилга чопиб бораркан,
Кимга айтар экан бу сирларини...

Бир кун аригайми кўзимдаги мунг,
Бир кун пичирлашдан тинарми бу лаб?!
Кўзунинг олдида хижолат тортмай,
Жимгина кетардим Одамга ўхшаб...

Анор донасидек сочилди бир йил –
Лаҳзалар оқдилар мужда ахтариб.
Бугун янги йилнинг остонасида
Тишланган олмадек турибман ғариб.

Қадаҳ сўзи айтар жилвагар ҳаёт,
Бир четда мунгайиб турар орзулар.
Уларнинг исмини унутаёзим,
Менга ишонади боладек улар...

Чақилган ёнғоқдек омонат тақдир –
Йилларим – аразда қолган изларим.
Товонда дунёни тушунаёпман,
Фақат товонимда қолди ҳисларим...

Бувимнинг қумғони каби эскирдим,
Янги йил, янгироқ ғам борми бошга?
Тишланган олмадек турибман ғариб –
Нима ҳам қилардим байрамдан бошқа?!

Анор донасидек сочилди бир йил...
Истеҳзо аралаш жилмаяр тақвим.
Умр бу – орзулар ёққан оловда,
Чарсиллаб ёнмоқлик ва турмоқлик жим...

Ғофир ҲАМРО

ТАРИХГА АЙЛАНАР
ҲАР КҲН...

ЎРГАТИБ БҮЛМАЙДИ СЕВИШНИ

Юртга муҳаббатнинг меваси асли,
Бугунгача бўлган муқаддас мерос.
Шоир авлодимиз, жаҳонгир насли,
Бу бизга бурч асли, эмас эҳтирос.

Юриш-туришни-да, озода яшашни,
Ўргатди ажодлар холис, беминнат.
Афсус, ўргатолмас ҳеч ким севишни,
Аммо бўлиш мумкин намуна, ибрат.

Ойбек қандай ёнди, Қаҳҳор, Усмон-чи,
Чўлпон қандай севди, Фитратлар ҳалак,
Муҳаммад Юсуф ё Шавкат Раҳмон-чи,
Мен нени севибман ўзимдан бўлак?!

Тарихга айланиб борар ҳар лаҳза,
Фурсатни бой бериб яшаш – хиёнат.
Юракнинг тубидан келар бир ларза,
Ватанни севмаслик – жиноят.

Шавкат Раҳмонга

Ёмғир бўлиб ёғилсам,
Қақраган ерларга шитирлаб.
Ундирсам эзгулик ниҳолин,
Кулсайди гулчалар қижирлаб.

Ниҳоллар айланиб гиёҳга,
Даволаса инсон дардини.
Ёғаверсам, яна мавж билан,
Ўвиб кетсам диллар гардини.

Шудринг бўлсам тонг саҳар,
Майсалар чайсалар юзини.
Борлиқни ўзгача кўрсатсам,
Қамаштириб олам кўзини.

Биздан ёмғир яхшироқ,
Танламайди на жой, на одам.
Дарахт саҳийроқдир, тегади нафи,
Ташлай олмаса ҳам бир қадам.

Саратон куйдирса, вужудинг чандон,
Бир зум ёмғирларни кўмсаб қоласан.
Кўклам нафасини соғинганингда,
Қишнинг кетишини кутиб толасан.

Тоғлар чидаяпти, бардошли улар,
Куннинг тигида ҳам қорнинг зўрида
Инсонсан-у, сабринг етмайди нега?
Илини турасан нафсинг тўрига.

Уммон каби бўлгин бўлолсанг магар
Ёмғирларга айлан ва чўлларга қайт.

Дунё ўзгарса ҳам қалбингни асра,
У маёқ бўлади, йўл йўқолган пайт.

ЯХШИЛАР БҮЛМАСА

Яхшилар бўлмаса яшай олмайсан,
Сен кутган одамлар чиқмас йўлнингдан.
Ташлолмай турганда ҳатто бир қадам,
Ногоҳ бир бегона тутар қўлингдан.

Тақдир берса бир кун шундайин имкон,
Сен ҳам эзгу ишга бўлпогин қодир.
Яхшилар қўлади, ростланди қаддинг,
Ёнингда миллион кас яхшига зордир.

Инсонга ҳаётда ҳар нарса ибрат,
Ёмоннинг ҳам бир кун тегар фойдаси.
Мардини танийсан номардни кўриб,
Билсанг шу: ҳаётнинг олтин қойдаси.

ОҚҚАН ДАРЁ

Омади йўқ демангиз зинҳор,
Бир кун толе боқади кулиб.
Куриб қолди демангиз асло,
Оққан дарё оқади тўлиб.

Қаранг, дарахт бир кун гурқираб,
Яшил тусга қирар барқ уриб.
Бир кун совуқ, аёзда қолса,
Новдалари қолади куриб.

Булса кўклам, ёзилар куртак,
Қақраган сой тўлади яна.
Ҳали ҳамма кўза кўтариб,
Сув ичгани келади яна.

КҮНГИЛГА ЙҮЛ

Кимдир сузиб бўлар денгиз, лек тахир.
Кимдир гўё ичиб бўлар чучук қўл.
Нима қилиб юрибмиз дунёда, ахир,
Бир кўнгилга тополмасак йўл.

Жуда тadbиркормиз ё зукко олим
Моҳир мусиқачи, тенгсиз муаллим.
Барчамизни бирдек кўрган бўлса ҳам,
Бир она қалбига тополмаймиз йўл.

Тундан тонгга қадар тер тўксак тинмай,
Тўрт томон югурсак тириклик учун,
Юлдузни бенарвон урсак ҳам, дўстим,
Бехуда кўнгилга тополмасак йўл.

Жўра ФОЗИЛ



ЭНГ ТЎҒРИ ЖАВОБ

– Она, онажон, Худо борми?
– Албатта бор, уғлим! Нега сўраяпсан?
– Бор бўлса, нега мен кўрмайман?
– Ундай дема, болажоним, шаккоқлик бўлади...
Вақт-соати келганда сен Аллоҳни, албатта, кўрасан!
Чунки Аллоҳ ҳар бир инсоннинг юрағида, тўғрироғи,
унинг қалбида бўлади.

...Йиллар ўтди. Вақт-соати келди. Аллоҳни кўрмаган бўлсам-да, уни танидим, манзил-мақони қаерда эканини англадим. Энг қизиги шундаки, бутун умрим давомида менинг Ҳақ таоло ҳақидаги саволларимга ҳеч ким онамдек аниқ-равшан жавоб беролмади.

ҲАҚИҚАТ ВА АДОЛАТ

"Ҳақиқат" сўзининг ўзағи Ҳақ, яъни Аллоҳ деган фикрга ишонгим келади. Бундан шундай хулоса чиқарса бўлади: демак, Ҳақиқат ва Адолатни фақат Ҳақ таоло барқарор этар экан-да!

МУЛК

Ота-онанинг бойлиги, мол-мулки, ёшлиги, куч-қуввати – болалариники!
Фарзандлар мол-мулки, бойлиги, ёшлиги ва куч-ғайрати ота-оналари учун эмас, ўз болалари учун экан...

ҚИСМАТ

Янглишмасам, қуролсозлар дунёда энг аянчли қисмат эгаси бўлса керак. Вақт-соати етиб, кимдир қуролсоз кўксига унинг ўзи ясаган қуролдан ўқ узади.
Бу – қисмат ўқи бўлса, не ажаб...

ЁЗУВЧИ ВА ЗАМОНА

Шоир, ёзувчи, умуман, ижодкорлар ҳақида жуда кўп ёзилган, ёзилапти. Ҳаммаси ўз йўлига. Ҳеч нима инкор этмаган ҳолда айтмоқчиманки, ёзувчи эл қатори яшамайди. Бу ҳам етмаганидек, кўп қатори ўлмайди. Унга доим нимадир етмайди ёки ортиқчалик қилади.

ҲАЙРАТ

Инсондаги буюк туйғулардан бири бўлмиш ҳайратнинг энг қаттол душмани – лоқайдликдир. Чунки лоқайд қалбга ҳайрат сиғмайди. Бу икки тушунча бир-бирини инкор этади.

КИМ, НИМАНИ ИЗЛАЙДИ?

"Иллат излаганга иллатдир дунё, ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё" дейишади.
Бир вақтнинг ўзида ҳар иккаласини излаган киши нима топар экан-а?..

ФИКР

Фикр – чақмоқ, унинг чақнагани яхши. Фақат чақмоқ ургани ёмон...

БУҚАЛАМУН

Буқаламун табиатда жуда камайиб кетди. Жамиятда эса кўпайибди...

УМР

У тугилди. Яшади. Ўлди. Бошқа ҳеч гап йўқ!..

ЭРКАТОЙ

Эркалик охир-оқибат худбинликка олиб келади.

ДЎСТУ ДУШМАН

Энг дилкаш суҳбатдош – қўл телефони.
Энг содиқ дўст – қўл телефони.
Энг қаттол душман – қўл телефони!..

ЗАМОНАВИЙ КЎПКУРАШ

Инсон орзулари, бахтига эришиш учун рақиблири билан курашишга тўғри келади. Бу табиий ҳол, албатта. Аммо у ана шу йўлда яқинлари, дўстлари билан ҳам курашиши керак экан.

КЕКСАЙГАН ОРЗУЛАР

Инсон кексайгани сайин дарду ғами ёшариб, кўпайиб, орзу-истаклари қартайиб, ўй-хаёллари нурсизланиб, вужуди ҳолсизланиб бораверар экан. Ана шу кексайган орзулар, нурсизланган ўй-хаёлларга қайтадан ёшлик, нур ато этувчи куч – умиддир.

Умид инсон кўнглини сўнгги нафасларигача тарк этмайди, уни яшашга, яна ва яна умид қилишга ундайди. Шоирлар бу туйғуни ҳам содда, ҳам чиройли қилиб "Умид чирोगи" деб атайдилар. Бу чироқ инсон кўнглини, йўлини ёритаверади!

ҚАРИЁТГАН ШОИР

Ажойиб рус шоири Игорь Северянин умрининг сўнгги йилларини ватанидан олисда, ёлғизлик, ғарибликда ўтказган. Соҳир сўз санъаткорининг "Қариётган шоир" деган жуда ғамгин шеъри бор. Ушбу шеърни биринчи бор ўқиганимда эллик ёшлар чамасида эдим. Шеър менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Умр ўтқинчи эканини янада теран ҳис қилдим.

Ўз Ватанимда хорлик-зорлик кўрмай яшаётганимга беҳисоб шукроналар қилдим. Ҳаётимнинг ҳар бир лаҳзасидан янада унумлироқ фойдаланишга ҳаракат қилдим. Ватан қадрига етиш ҳақида кўпроқ ўйладим.

"Қариётган шоир" шеърини ҳамон қайта-қайта ўқийман...

МИТТИ ҲИКОЯЛАР

ОЧИЛМАГАН ЭШИКЛАР

Ёши хийла ўтиб қолган хонанда аёл ёзғириб шундай деганди:

– Ёшлигимданоқ саҳнада, ҳаётда сурбет бўлолганим учун жуда кўп нарсага эришардим. Мен ҳар бир эшикни фақат бир мартагина тақиллатганман.

Бу сўзлар замирида жуда аччиқ ҳақиқат бор. Аммо, маълумингизким, сўнгги пушаймон ўзингга душман. Шу сабабдан адабиётда нимагадир эришаман деган шўрлик ижодкор ўзи кириши керак бўлган эшикларини бир-икки эмас, ланг очилиши учун неча марта керак бўлса, шунча мартагина тақиллатиши керак.

Ижод масъулияти уни шунга мажбур этади. Бой берилган вақт ўрнини нафақат афсус-надомат, на-да сўнгги пушаймон боса олади.

Ёзувчи ўз асарни учун ҳар кун, ҳар соатда аёвсиз муҳорабага киришга тайёр туриши керак.

Акс ҳолда, у ҳам ўша ёши ўтинқираган хонанда ҳолига тушиб қолиши ҳеч гап эмас...

БИЛИМ ВА ҒАМ

Ўз билимини оширувчи ўзига ташвиш оширгувчидир!

Бу менинг фикрим эмас. Қайси китобдан ўқиганим ёдимда йўқ. Бир ҳисобда, эслай олганим маъкул, шекилли.

ҚОН ВА ЖОН

Фитрат домланинг "Абулфайзон" тарихий драматидида қуйидаги сатрлар бор: Бадий ижод, шундай дарахтки, унинг илдизлари фақатгина юрак қони билан суғорилиши керак!..

ОДАМЛАР ОРАСИДА

Ноширлар орасидан одам излабман...

ДАҲОЛАРНИНГ ОНАСИ

Улғайтирдинг чекиб минг захмат, она, Беруний, Хоразмийни, ибн Синони. Болаларинг қилди барпо расадхона, Қилди бунёд тиббиётдек бинони.

Биламан, сенга ҳам бўлмаган осон, Сен сабаб дунё шод, бахтлимииз, инон. Ўзинг ҳам бахт нима, ҳис қилганмисан, Эй, башариятнинг шод қилган инсон?!

Сен ўшанда чекмасайдинг риёзат, Бўлмас эди бугун шунча кашфиёт. Бунчалик тараққий этмасди жаҳон, Бунчалар мароқли бўлмасди ҳаёт.

Мухтор Ашрафий таваллудинини 110 йиллиги

Пойтахтимиздаги “Лашкарбеги” маҳалласининг бир гуруҳ нурунийлари фаол З.Расулий бошчилигида Мухтор Ашрафий уй-музейида бўлди. Гуруҳимизда Н.Миржапаров, Х.Валихонов, Д.Шерматова, Ф.Амирхонова каби санъатга ошуфта инсонлар бор. Бизни музей директори Н.К.Гунова самимий кутиб олди. Музейга киришимиз биланоқ, йўлак эшигидаги бетакрор нақшларни, бастакорнинг дид билан терилган китоблари, эъозлаб ўстирилган гулларни кўриб, барчамизнинг вужудимизда нафосат туйғуси пайдо бўлди.



Бу композитор томонидан яратилган биринчи мустақил асар бўлишига қарамай, ундаги миллий руҳ, кўтаринки кайфият жозибадор эди. Мазкур опера ва уни сахнага қўйишда жонбозлик қилган К.Яшин, М.Мухамедов, Э.Юнгвальд-Хилкевич, М.Мусаевлар сурати эътиборни тортади. 1964 йили Самарқандда иккинчи опера театри биноси “Шоирнинг қалби” спектакли билан очилган. Ашрафий шу театрга раҳбар этиб тайинланган. Театрнинг репертуаридан “Зайнаб ва Омон”, “Майсаранинг иши” каби спектакллари ўрин олган. Шунингдек, “Жизель”, “Шопениана”, “Балеро” каби балетлар афишалари ҳам бор. “Севги тумори” балети ҳинд ва ўзбек халқи ўртасидаги дўстлик ришталарига бағишланган. Бу ердаги Индира Ганди йўллаган мактуб, композиторга берилган Ж.Исру номидаги халқпошторга мактублари ва Ашрафийнинг Индира Ганди билан тушган сурати муҳим тарихий воқеалардан сўзлайди.

ЎЛМАС ОҲАНГЛАР ЯРАТУВЧИСИ

Биринчи залдаги суратларда мусиқачининг болалигидан бошлаб умр лаҳзалари акс этган. Унинг Бухорода таниқли халқ хофизси, дуторчи Ашрафхон хонадонига кечган болалиги, отасининг чолғу асбобларини кўтариб ёрдамлашгани, отасининг ёру биродарлари, санъаткорлар тўплагандаги болалик завқ-шаўқлари суратлари яқиндан тўплаган. Отаси Ашрафхон хофизнинг яқин сурати сақланиб қолган. Шунингдек, ойнаванд шайхонда дутор ва танбурлар ҳам диққатни тортади. Булар оила ёдгорликлари бўлиб, бободан отага, отадан болага мерос қолган. Ашрафийнинг биринчи устози отаси бўлганини акс эттирувчи суратлар талайгина. Етти ёшли ўғлининг дуторни сайратиб чалганини эшитган ота фарзанднинг келажаги порлоқ эканига шубҳа қилмаган. Меҳмонхонада мусиқа оҳанглари янграганда болакай оstonада ўтириб тинглаганлари, гоҳида ухлаб қолганида отаси кўтариб ётоғига олиб киргани акс этган суратлар киши қалбида мусиқа сеҳрига меҳр уйғотиши, шубҳасиз.

Олим Ҳужаевни ҳам кўрасиз. Ҳужжатлар орасида шарқ мусиқа мактабини битиргани ҳақида 1923 йил 28 майда берилган аттестат ҳам бор. Мухтор Ашрафийнинг касбий ўсишида Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа хореография олийгоҳининг ўрни бекиёс бўлгани аниқ. Ашрафийнинг Москва консерваторияси қошидаги Ўзбек опера студиясида ўқибгани акс этган. Охириги суратларда унинг ёнида Халима Носирова, Муҳиддин Қўри Ёқубов, Қарим Зокоровларни кўриш мумкин. 1934-1936 йилларда Москва консерваториясида ўқиб бастакор иш фаолиятини Ўзбек мусиқали театрида бошлади. Ушанда 19 ёшда бўлган ижодкор кейинчалик шу мусиқали театрга бадиий раҳбар ва бош дирижёр этиб тайинланган.

“Буюк канал” операси (Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган), Брусиловскийнинг “Элтаргън”, Р.Глиэр ва Т.Содиқовнинг “Лайли ва Мажнун” операларидан кўринишлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. М.Ашрафийнинг уруш ва ғалаба билан боғлиқ “Қахрамонлик симфонияси”, “Ғолибларга шон-шарафлар” каби асарлари ҳатто чет элларда ҳам олқишларга сазовор бўлган. Зал марказида композиторнинг роляси ва занг чалувчи қадимий соат кўйилган.

Иккинчи залдаги суратларда композиторнинг Ленинград консерваториясида ижрочилик маҳоратини ошириш жараёни, Ашрафий у ерда В. Д.Хайкан синфида ўқиб, симфоник дирижёрлик дипломини олгани тасвирланган. Опера студиясида Ашрафий бошчилигида кўйилган “Кармен” операсининг репертуар режиси ҳам кўйилган. Шунингдек, ўтган асрнинг элгинчи йилларидида симфоник оркестр билан мамлакатнинг турли ҳудудларида, жумладан Болтиқбўйи, Урта Осиё, Озарбайжон каби қатор давлатлар гастроль сафарларида бўлгани ҳақидаги афишалар шундан далolat беради.

1958 йили яратилган “Дилором” операси ўзбек санъати оламида катта воқеа бўлди.

Муҳаддас АБДУСАМАТОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

Ўзбек композиторлик мактабининг ёш намояндalarидан бири Фаррух Акрамов бугунги кунда баракали ижод қилиб келаятган навқирон санъаткорлардан.

БАРКАМОЛЛИК ЙЎЛИДА

1985 йили Бухорода таваллуд топган Ф.Акрамов вилоятдаги болалар мусиқа мактабининг баян-аккордеон синфида дастлабки мусиқа тахлилини олди. Узининг айтишича, болалигидан композитор бўлишни орзу қилиб, илк асарини 13 ёшида басталаган. 2001 йили М.Ашрафий номидаги Бухоро давлат санъат коллежининг мусиқа назарияси бўлимига ўқишга кириб, бир йилдан сўнг ўқишини Ҳамза номидаги Тошкент давлат санъат коллежига ўтказди. Бу ерда устоз композитор Е.Л.Шварцдан ижод сирларини ўрганиб, фортепиано ҳамда бошқа мусиқий чолғулар ижроси учун илк асарларини басталайди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида Ф.Акрамов Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, таниқли устоз композитор Ф.М.Янов-Яновский синфида таҳсил ола бошлади. Ўқиш йилларида ёш ижодкор турли жанрларда асарлар ёзди. Фаррухнинг тенор ва фортепиано учун яратган романслар туркуми, фортепиано учун Сонатина, флейта учун пьесалари танловларда муваффақиятли ижро этилиб, совринли ўринларни эгаллади. 2005 йилдан бошлаб олти йил давомида Ёш композиторлар учун “Omni-bus Laboratorum” халқаро маҳорат дарсларида қатнашиб, Си-рождидин Рауф шёърига “Ҳеч нарса сўрама”, немис шоири Георг Трапк асарига назар “Тушқунлик”, зарбли чолғулар учун “Атмосфера” каби асарларини ёзди. Халқаро лойиҳалар доирасида камер ансамбль учун яратган “Шом” асари мутахассислар эътиборига тушиб, Австрия, Германия, Жанубий Корея, Қирғизистон каби давлатларда муваффақият билан ижро этиб келинмоқда.

Композитор 2007 йили АҚШнинг Масачусетс штатидаги Норт Адамс шахрида бўлиб ўтган ёш композиторлар ва ижрочилар халқаро фестивалида қатнашиб, ҳуқуқини қўлга киритиб, “Bang on a can” чолғу ансамбли учун “Оннинг акс томонида” (“Beyond the mind”) номли асарини ёзди ва тадбир қатнашчиларининг юксак эътирофига сазовор бўлди.

Ўқишни битириб улгурмасиданоқ Фаррухнинг асарлари нуфузли халқаро танловларда юқори баҳоланди. Жумладан,

2008 ва 2009 йилларда “Young Composers Meeting” Халқаро фестивалида қатнашиб, Умар Хайём шёърлари асосида “Рубои-ёт” ҳамда япон шоири Мацуо Басё асарига асосида “Хайку” асарларини яратди. 2010 йили Швейцарияда бўлиб ўтган “Pre-art” ёш композиторлар халқаро танловида “Иллюзия” номли асари билан қатнашиб, иккинчи даражали мукофотни қўлга киритди. Сўнгги йилларда ёш композиторни коинот мавзуси билан боғлиқ глобал аҳамиятга молик ғоя ўйлантира бошлади. Ушбу мавзу атрофидаги изланишлари натижаси ўлароқ, 2010 йили “Big bang” номли симфониясини ёзди. Ушбу симфония “Улкан портлаш назарияси” ғоясига асосланган бўлиб, унда ижодкорнинг коинот яралиши билан боғлиқ фалсафий мушоадалари ўз ифодасини топган.

Композитор кейинги йилларда шёърият билан қизиқиб қолди. Айниқса, Рўдакий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов сингари шоирларнинг ижоди унинг эътиборини тортди. “Шоирларнинг шёърларидидаги ҳикматли жумлалар, тарбиявий аҳамиятга молик образлар мени ўзига жалб этиб, янги асарлар яратишга илҳомлантиради”, дейди Фаррух. Дарҳақиқат, халқнинг дунёга келиб-кейтиши билан боғлиқ фалсафий мушоадаларни мусиқада ифодалаш ижодкорнинг эстетик қарашлари орқали юзга келади. Мусиқа санъати тарихига назар ташласак, унда инсониятнинг дунёда маъжудлиги билан боғлиқ фалсафий-эстетик мавзудаги мусиқий асарлар айнан камер мусиқа орқали ечим топганини кўраемиз. Негаки, жиҳдий ва мушоадавий характердаги бундай ғоялар вокал-чолғу ансамбллар воситасида яратилади. Зеро, фалсафий фикр-мулоҳазаларни баён этиш учун улкан таркибдаги оркестрлар даркор эмас. Айнан шу тамойилни Фаррух Акрамовнинг ижодиди ҳам кузатамиз, яъни ўзбек адибларига хос фалсафий мушоадаларни мусиқада ифодалаш мақсадида камер мусиқа қонуниятларини қўллаганини кўраемиз.

2022 йил композиторнинг “Ақлдан ташқарида” (“Beyond the mind”) номли асари П.Чайковский номидаги Москва давлат

ЁШЛАР ИЖОДИ



консерваториясида “Янги мусиқа студияси” ансамбли томонидан муваффақият билан ижро этилди. Шу йилнинг ўзида Фаррух “BatyLab” халқаро лойиҳаси резиденциясида қатнашиб учун грант ютиб олди. BatyLab – Марказий Осиёда санъаткор ва композиторлар учун таъсис этилган таълим ва амалий йўналишдаги платформа бўлиб, у замонавий композиторлик санъатининг илгор ижодий техникаларини эгаллаш борасида ёшларни ҳамкорликка чорлайди. Фаррух ушбу халқаро тадбирда қатнашиб, таълим жараёнида “The lost o’ral” асарини ёзди. Ушбу асарнинг премьераси Қозғонистоннинг Алматы шаҳрида муваффақият билан ижро этилди.

Ҳозир Ф.Акрамов Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Композиторлик ва қонунчилик палатаси” кафедрасида педагогик фаолият олиб бормоқда у талабаларга инглиз тилида машғулот ўтади.

Вақт давомида ижодкорликнинг қадимидан бизчана этиб келган аънавий шакл ва принциплари ҳам янгилашиб боради. Айни пайтда композиторларнинг мусиқа басталаш билан боғлиқ тафаккур жараёнларида бутунлай бошқа тенденциялар пайдо бўлиб, мусиқий тил, шакл воситалари ҳамда уларни яхлит композиция остида бирлаштириш омиллари бутунлай янги тус олмақда. Фаррух бугунги кунда композицион шаклларнинг мана шундай янги шакллари устида иш олиб бориб, ўзбек миллий мусиқаси ҳамда ижоднинг янги усулларини бирлаштириш орқали, бадиий баркамол образларнинг янги ифодасига эришиш йўллари устида изланмоқда.

Ойдин АБДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси

АДИБЛАР СУЛТОНИ

ўрганиш, иккинчи томондан, Москвадаги шароит (муҳит) менга кучли таъсир кўрсата бошлади. Мен большевикларнинг нафақат рус халқи, балки бошқа халқларнинг ҳам савиясини кўтаришга интилагганини тушундим.

1929 йилда мен миллатчилик асоратидан узил-кесил қутулдим... Юлдуз шу вақт ичида янада шўролашди. Беш йиллик план бизни узил-кесил шўролар томонига, коммунистик партия томонига тортиб олди...”

Адабиёт оламида. М.Осим ҳали Навойи номидаги таълим ва тарбия техникумида тахсил олаётган йилларидаёқ шёърлар ёза бошлаган эди. У Москвага ўқишга борганида ҳам шёъриятга ихло ос уни тарк этмади. Аксинча, унинг ижодига янги мавзулар, янги қахрамонлар кириб кела бошлади. Балки антик даврга, антик даврдаги афсонавор қахрамонлар ҳаётига қизиқиш унда барвақтроқ бошлангандир. М.Осим қаламига мансуб Гераклит ҳақидаги шёърнинг ҳам, Ойбек ёзган “Прометей” шёърининг ҳам туғилган манзили, балки, Тошкентдир. Биз бу икки шёърни ўқиганимизда забардаст антик паҳлавонларни эмас, балки машҳур юнон фалсафасининг порлоқ юлдузларини кўргандек бўламиз. Биздан икки ярим минг йил аввал ўтган Гераклит фалсафасининг асосида эса “ҳар бир нарса оқади, ҳамма ўзгарди”, деган фикр етакчилик қилган. Юнон фалсафасининг шундай хулосага келган фалсафаси ёш шоирни ўйлантириб қўйган. У ёзган:

“Ҳар нарса ўзгарар, ҳар нарса оқар”,
Тинмасдан айланар буюк табиат.
Табиат тинмасдан тўнин ўзгарар,
Оламда тиним йўқ – мана, ҳақиқат!

Яшамок не демак? Курашмоқ, демак,
Туғилган нарсанинг ўлиши керак.
Ҳаёт-ла ўлимнинг кучли қўллари

Тинмасдан бўғишар ҳар ҳужайрада.
Тириклик манбаи енгар ҳар ерда.

Кейинги мисрадан маълум бўлишича, бу шёърни ёзиш ғояси унинг Самарқанддаги ўқитувчиларни тайёрлаш институтида дарс бераётган кунларида туғилган:

Шу бу кун тарихдан дарс берад экан,
Эсладим Гераклит фалсафасини.
Эсладим, кўрқинчи туш каби бирдан
Қуликнинг қоронғу дабдабасини...

Агар янги ўзбек шёърияти саҳифаларини ва рақлай бошласак, Авлонийнинг “Хурияъ марши”, Ҳамзанин “Ишчилар, уйғон!”, “Яша, Шўро!”, Фафур Фуломнинг “ТУРКСИБ йўлларида”, “Яловбардорликка”, Ойбекнинг “Беш йиллик план” сингари янги тарихий давр руҳи билан суғорилган шёърлари кўз олдимиздан бирма-бир ўтади. Утган асрнинг 20-йилларида Туркияда таълим олишни истаган ёш шоирни эса, шу даврда инсоният тақдири билан боғлиқ катта фалсафий ғоя безовта қилган. Бир томондан, юнон донишмандлари ёзганидек, ҳамма нарса оқиб кетади, ҳеч бир нарса тирик қолмайди. Аммо агар ҳаётнинг бу қонунига адолат мезонлари асосида ёндошсак, яхшилик ҳам ёмонлик қаторида, изсиз оқиб кетaversа, бу ҳолат инсониятнинг келажакига қандай таъсир қилади? Инсониятни келажакда нима кутади? Яхшилик тантанасими ёки ёвузлик пўртанаси?..

Юнон фалсафаси билан қизиққан шоир шундай хаёллар билан яшяётган бир вақтда мамлакатимизда бошқа шабадалар эса бошлаганди. Бу шабадалардан аён бўлишича, бундан 500 йил илгари Ҳиротда туғилган улуғ ўзбек шоири ижодида юнон фалсафасининг ғоялари янги бадиий юксакликка кўтарилган ва муайян бадиий образларда мужассамланган экан. Шу ҳол Мирқарим Осимни Навойи яшаган даврга етаклай бошлайди. У ўзбек

ёзувчилари орасида биринчи бўлиб “Астробод”, “Навоийнинг хислатлари” (1940), “Алишер Навойи ва Дарवेशали”, “Шоирнинг ёшлиги”, “Улуғбек ва Навойи” (1941) сингари тарихий ҳикоя ва қиссаларини ёзди. Бу унинг 1928 йилдан Навойи яшаган тарихий даврни, улуғ шоирнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга астойдил киришган Ойбек билан яқинлашишида муҳим омил бўлди. Унинг содда ва раvon тилда ёзилган, улуғ шоирнинг болалик ва ёшлик йиллари меҳр билан тасвирланган бу асарлари ёш авлод томонидан, айниқса, қизғин кутиб олинади. Бундан илҳомланган адиб Мирхонд, Зайниддин Восифий, Хондамир сингари ўзбек муаррихларининг тарихий китобларини шавқ билан мутлаа қилиб, уларда тасвирланган ажаботвор воқеалар асосида тарихий ҳикоя ва қиссалар ёзишда улоқни ҳеч кимга бермайди.

М.Осим ўзбек халқининг энг қадимий давридан XX асргача босиб ўтган улкан ва мураккаб йўлида қандай доволарни забт этган ёки орқада қолдирган бўлса, уларнинг қарийб ҳаммаси ҳақида тарихий қисса ва романлар ёзди: “Тумарис”, “Широқ”, “Искандар ва Спитамен”, “Темир Малик”, “Махмуд Торобий”, “Ўтюр”... Адиб бу асарларда тасвирланган айрим воқеалар ва қахрамонларни Шарқ кўлёмаларидан эмас, балки юнон муаррихи Геродотнинг “Тарих” асарига тасодифан кириб қолган лахзалардан топди.

Шу йилларда мамлакатимизда яшаган рус ёзувчилари Туркистондаги босмачилик ҳаракати тўғрисида жилд-жилд роман ва қиссалар ёзиб, ўзбек халқининг жаҳон афкор оммасига босмачилардан иборат оломон сифатидаги образини яратган бўлишса, Мирқарим Осим энг халқидан етишиб чиққан, аммо Европада туғиб бўлган туркий (ўзбек) миллий қахрамонлар галереясини яратди. Бу унинг тарих олдидаги катта хизматларидан биридир.

Ўта хоксор ва камтарин инсоннинг ўзбек адабиётида тарихий жанрнинг шаклланиши ва тараққиётига қўшган ва қўшяётган буюк ҳиссаси ўзини

ўзбек адабиётининг сиёсий-ғоявий раҳбари деб билган айрим кимсаларда ғазаб ва нафрат ўтини алангалатиб юборди. Ҳали Ўзбекистонга кўчиб келганига ўн йил бўлмай, Ёзувчилар уюшмасининг “Звезда Востока” журнаliga бош муҳарррир, рус адабиёти секциясига раис ва уюшма партия ташкилотига масъул котиб сингари лавозимларини эгаллаб олган жирканч бир махлуқ Мирқарим Осимга қарши қилич кўтариб чикди.

Аслида бу қилич ёлғиз Мирқарим Осимгагина эмас, балки, аввало, унинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидаги дўсти Ойбекка қарши чархланаётган захарли қурол эди. Агар жирканч махлуқ ва унинг ҳамтововклари шу жангда Мирқарим Осимни сиёсий жиноятда айблаб, уни Ёзувчилар уюшмасидан ўчира олсалар, унинг кетидан Ойбекни уюшмадан ва партия аъзоллигидан ўчириш, ҳатто уни қуни кеча Чўлпон ва Қодирйилар ётган камерага йўллаш ҳеч гап эмас эди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ҳайъатининг икки йиғилиши. Биринчи йиғилиши. 1947 йил 16 октябрь. Уюшма раиси Ойбек раҳбарлигида бошланган йиғилишда Ёзувчилар уюшмасига яқинда ҳарбий хизматдан қайтган икки рус ёзувчиси қабул қилинади. Булардан бири 1914 йили Симбирскда туғилган Александр Удалов, иккинчиси эса 1910 йили Киров вилоятидаги кишқолда дунёга келган Владимир Мильчаковдир.

Орадан 5 ой ўтгач, Уюшма ҳайъатининг 1948 йил 15 мартда бўлиб ўтган йиғилишида уюшмага янги аъзолар қабул қилинади. Навбат Мирқарим Осимга келади. Таомилга кўра, уюшма котиби Жуманиёз Шарипов унинг ҳужжатлари ҳақида маълумот беради. “М.Осим ҳали катта китоблар ёзмаган бўлса-да, тарихин яхши биладиган, ўзбек тилини нозик ҳис этакдиган ёзувчи сифатида ҳурмат қозонган. У В.Яннинг “Чингизхон” романини ўзбек тилига қойилмақом қилиб таҳрир қилган. Романи ўқисангиз, худди XIII аср муҳитига киргандек бўласиз...”, дейди котиб. Яна унинг маълумот беришича, ёш адибга Ҳомил Ёқубов, Ойбек ва Абдулла Қаҳҳор тавсия беришган. М.Осим номзоди овозга қўйилганда боғия туюдек жирканч гавдали махлуқнинг овози янграб қолади:

– Қани, Осимов, айтинг-чи, сизда ҳеч вақт чет элга кетиб қолиш нияти бўлганми?

Ҳамма ҳанг-манг бўлиб қолади. Ёзувчилар уюшмасига қуни кеча ишга келган кимса ҳамма нарсдан огоҳ бўлган, ҳамма ўзбек ёзувчилари ҳаётини НКВД маълумотлари асосида сиңчиқлаб ўрганиш эди. Ҳамма агар яна 1937 йил даҳшатлари бошлангудек бўлса, ундан узоқроқда юриш лозим экан, деган қарорга келади.

М.Осим бундай саволни кутганими ё йўқми, ҳар ҳолда ҳаяжонланмай, ёшлик йилларида рўй берган бу воқеани яширмай, таржимаи ҳолларида қайд қилиб келаятгани ва бу воқеа унинг учун бир умрли сабоқ эканини айтади. Лекин Мильчаков анойилардан эмас эди. У бир зарбадан эсанкирай бошлаган кишига иккинчи ва учинчи зарбани бериш техникасини чекистлар мактабида мукамал эгаллаган, ҳатто шундай шубҳали шахсга ўйламай-нетмай тавсия берган улуғларни ҳам доводратиб қўйиши ҳеч гап эмас эди. Замоннинг нозиклигини қаранглик, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига оддий ҳувчи эмас, Ўзбекистон Фуллар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Сталин мукофоти лауреати, СССР Олий Совети депутати раислик қилаётганига қарамай, шу вақтда уюшмада ҳам, республикада ҳам унинг мавқеи эмас, балки уларига Мильчаковни байроқ қилиб олган, шухратпараст ва амалпараст эса ўзбек ёзувчиларининг мавқеи баланд эди. Қолаверса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига миллатпарвар, халқни юксак идеаллар руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи асарлар ёзишга интиланган, ор-номусли ватандошларини НКВД чангалидан ҳимоя қилишга уринаётган Ойбек эмас, балки шевердинлар, мильчаковлар керак эди. Замон мамлакатни тубсиз жарлик сари тортиб олиб кетяётган эди. Ўзбек адабиётини “Ё ҳаёт, ё момот” масаласи ҳал бўлаётган бир вақтда мильчаковлар ин кўрган Ёзувчилар уюшмасида қарийб бирор ор-номусли одам қолмагандек эди. Улар тантана қилдилар.

Кўп ўтмай, 1950 йил 15 мартда адабиётимиз хазинасини баркамол асарлар билан боййтаётган, бошқа бирор миллий адабиётда тенги бўлмаган Мирқарим Осим қамоққа олинади. Унинг Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлиши учун тавсиянома ёзиб берган Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ва Ҳомил Ёқубовга хайфсан эълон қилинади. Уларнинг кейинги тақдири хавф остида қолади...



Санъат ҳамиша бетакрорлиги, ҳайратга бойлиги, кишини тафаккур қилишга чорлаши билан инсониятнинг маънавий ҳаётида беқиёс аҳамият касб этади. Санъат турлари ичида тасвирий санъат ранглар жилоси орқали инсонни завқлантиради, теран хаёлга чўмдиради.

Таниқли рассом, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, профессор Ортиқали Қозоқовнинг "Ипак йўли мўъжизалари" деб номланган шахсий кўргазмаси 9 декабрь куни Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида очилди. Кўргазмага санъат ва адабиёт ихлосмандлари, рассомнинг мухлислари, дўстлари ташриф буюриб, нодир санъат асарларининг зибасидан баҳраманд бўлишди. Мазкур кўргазмада рассомнинг кейинги ўн йилдаги асарлари жамланган бўлиб, унда тарих ва бугун, миллийлик ва дунёвийлик уйғунлашиб кетганини кўриш мумкин. Кўргаз-

Рассом "Семурғ" номли асариди Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги Семурғ қушини тасвирлар экан, ўттизта қушнинг Семурғ жисмига жо бўлганини тасвирлайди. Достоннинг бош ғояси ҳам аслида шудир. Ўттиз қуш аслида ўзлари излаб юрган подшоҳ қуш – Семурғ эканини англашади. Айни шу ғоя рассомнинг мўйқаламида ниҳоятда таъсирли тарзда ўз истифодасини топган. Шунингдек, рассомнинг "Бобур" деб номланган асариди улуғ шоҳ ва шoirнинг бир юзига соани туширган рассом бу тасвир орқали Захриддин Муҳаммад Бобурнинг "Ўз ерни



ма "Ипак йўли" мавзуси доирасидаги асарларни ўз ичига олган бўлиб, унда тинчлик, тараққиёт, оила, муҳаббат, ота-она, фарзанд каби мавзулар буй кўрсатади.

қўйиб Ҳинд сори юзландим, Ё Раб, нетайин не юз қаролиғ бўлди", деган иқроғига ишора қилади. "Ипак йўли мўъжизалари" кўргазмасида диптих ва триптих турдаги асарлар ҳам борки, бу санъат на-

ТУЙҒУЛАР РАНГИ

КЎРГАЗМА

муналари рассомнинг бир суратга сифмай қолган фикрлари ва туйғуларини икки ёки учта сурат орқали намойён этади. "Муסיқа оғушида" диптихида муסיқа ва рақс, созанда ва раққоса, ошиқ ва машуққа тимсоллари ёрқин бўёқлар орқали тасвирланган. "Туғилиш" триптихи учта суратдан иборат бўлиб, унда янги туғилган чақалоқнинг бешиги ҳилолга осилган, тойчоқнинг белида турган ҳолатда тасвирланган. Бу суратда оқ, мовий каби очиқ ранглар, гўдак, ҳилол, қулун образлари туғилишдаги қувонч ва покликни ифода қилади. Чақалоқнинг икки ёнидаги суратларда унинг отаси ва онаси гавдаланади. Ота қувончдан сурнай чалмоқда, она эса доирани баланд кўтарган кўйи гўё парвоз қилмоқда. Ҳар иккисининг орқасида Хумо қушининг сояси мавжуд. Бахт қуши уларнинг боши устда парвоз қилиб турибди. Бундай нозик ҳис-туйғуларни ранглар орқали тасвирлаш ва томошабинга юқтира олиш учун рассом фақатгина истеъдодлигина эмас, юксак тафаккур эгаси бўлиши ҳам лозим.

Кўргазмадан ўрин олган суратларнинг барчаси ўзига хос бўлган муайян фикрни намойён этади. Уларда ички ҳиссиётларни ҳам, улкан ижтимоий масалаларни ҳам кўриш мумкин. "Ипак йўлидаги боғлар" суратида инсон ва табиат муносабати буй кўрсатади. Кетма-кет юраётган туялар ўрқачига идишларда мевалар илинган, биринчи туянинг идиши ўртача тўлаликда, иккинчи туянинг идиши тўлиб-тошган, охириги туянинг идишида эса ҳеч қандай мева йўқ. Бу тасвир негадир бизга бугунги жамиятда инсон ва табиат муаммосини эслати. Биздан олдингилар унчалик ҳам тўкин яшашмаган, ҳозирги замонда биз ниҳоятда тўкинликда яшашмоқдамизки, шу сабабли ҳам эҳтиёжларимизнинг чеки йўқ. Ана шу чексиз эҳтиёжларимиз натижасида табиий бойликларнинг ҳаммасини ўзлаштирмоқдамиз ва биздан кейинги авлод бу неъматлардан бебаҳра бўлиш эҳтимоли бор...

Албатта, бу фикрлар субъектив характерга эга бўлиб, рассомнинг ижод намуналарини томоша қилган инсон улардан ўзи учун бошқача маънолар топиши табиийдир.



Мусаввир ижод намуналарининг ҳар бири ўзига хос олам бўлиб, бу суратларда мусаввирнинг орзу-умидлари, маънавий дунёси, туйғулари ўз инъикосини топган. Ушбу нодир асарлардан завқланиш, улардаги турли маъно қирраларини илғаш ҳар бир томошабиннинг эстетик оламига боғлиқ. "Ипак йўли мўъжизалари" кўргазмаси тасвирий санъатни ҳаётининг мазмуни деб билган, мўйқалами орқали ўтмиш, бугун ва келажакни қуйлаётган рассом Ортиқали Қозоқов ижодининг янги босқичдаги тараннумидир.

Ситорабону ШОМУРОВА

ҚАСОС

ҚАТРА

Дадамнинг айтишларича, бобом иккиси бир гал Жумабозорга эрталабки соат беш яримларда етиб боришибди, бозор гавжум экан, кимдир кўзичогини таърифлар, ким сиғири кўп сут беришини айтиб мақталарди. Дада одамлар ва ҳайвонларнинг кўплигига ола бўлиб қолибди.

– Ҳўш, Абдурахмон, бу бозорни ҳам кўриб-билиб қўйганинг яхши, – дебди бобом дадамга.

Шунда дадам бозорда ўзининг синфдоши Ширина ва унинг отаси Нозим даллолни кўриб қолибди.

Нозим даллол: "Шу гўдакка раҳм қилинг, бечорога ёрдам беринг, шу бузоқдан бошқа нарса қолмаган. Сотиб пулини касал онасини даволашга сарфлайди", деб ҳаммани алдаётганини кўрган дадам ҳайрон бўлибди.

Дадамни даллолнинг бақирини шуни эшитиб, ёнида кўзларида ёш, мунғайиб турган Ширина ҳайратга солибди. Чунки даллолни яхши билмас-да, ўзидан икки синф пастда ўқийдиган Ширинани танир ва унинг онаси соппа-соғ, тўйма-тўй юриб дастурхончилик қилишини биларкан-да. Бундан ташқари, Ширина ёлғиз фарзанд эмас, унинг 9-синфда ўқийдиган акаси ва иккита синглиси бор экан.

– Болам, бу даллол қоромдан ҳазар қилмайди. Ёлғонни сувдек ичиб юборган. Одамларни алдаб, бировдан арзон-гаровга олган молни бошқаларга ҳийла ишлатиб қимматга сотади. Ўзининг бу ярамас ишига ёш гўдагини ҳам тортибди. Шунини унутмаки, Аллоҳ таолонинг наздида энг катта гуноҳлардан бири ёлғон гапириш...

Орадан бир неча йиллар ўтган, Нозим бақол маҳалламиздаги энг бой кишилардан бирига айланди. Дангиллама уй солиб, машина сотиб олди. Бу вақтга келиб мен ҳам анча улғайиб қолгандим.

Қайсидир йили декабрда қишлоғимизда нохуш хабар тарқалди. Қўшни маҳалладан мол юқлаб келаятган юк машинаси жарликка ағнаб кетибди. Ҳайдовчиси ҳам, унинг олдида ўтирган йўловчи ҳам, моллар ҳам аралаш-қуралаш бўлиб қулабди.

Бир катта ҳўкиз қонга беланиб ётар, шохи бир кишининг кўкрагига санчилиб қолибди. Бу ўша Нозим даллол эди...

Бобом ҳам, дадам ҳам бу воқеани эсламасликка ҳаракат қилади. Улганнинг ордидан ёмон сўзлар айтиш яхши эмас. Аммо ўрни келганда, барибир, одамлар бу нохуш воқеани бошқаларга ибрат бўлин деб айтиб юришади.

Эркинжон УМАРОВ

КИШ КАЙФИЯТИ

Уйимиз Россия ўрмонлари ўртасидаги мўъжазгина кулбага ўхшаб қолди. Шифтдаги сумалаклар тоғ эчкисининг бурама шохларидек фавқуллода қайрилиб деразадан қаради, худди: "Ўзинг иссиқ уйга кирволлиб, бизни ичкарига киритмайсанми?", дейётгандек. Бугунгидай қорни кўрмаганимга кўп бўлгани учунми, ҳовлидаги арчалар ҳам ҳижобга киргандек менга жуда галати кўринди. Қиш тишининг оқини кўрсатмаган йиллар, одамлар, қадриятлар ва иқлим ўзгаришлари уйга толдирди. Қайсидир йили Наврўз кунини қалин қор ёғиб, ҳовлимиздаги ўрик дарахти қор юкни кўтаролмай қоқ кикига бўлиниб кетганди. Ўтган йили Қозоғистонда бир сизир, бу йил эса, бир тулки юраётган ҳолида музлаб қолди. Мана, яна қорга кун туғди... қор – кўп нуқта, жуда кўп нуқта...

Бетининг пардаси қалинлашган йўллар яхмалак – сал ҳўшёрликни йўқотсанг тойдиради. Ана, ўз йўлида сидирга келаятган "Матиз" кутилмаганда ҳайдовчига буйсунмай, йўл буйидаги ариққа ёнбошлаб олди. Изма-из келаятган машиналар тўхтаб, дарров ёрдамга ошиқди. Ҳатто қарама-қарши йўналишда автобус куётганлар ҳам пингвинларга ўхшаб алпанг-талпанг йўлнинг у томонига ўта бошлади. Бир-бирини мутлақо танимайдиган одамлар кўз очиб-юмгунча машинани ариқдан чиқариб, ҳеч нарса бўлмагандай яна ўз йўлида давом этдилар. Кўп ўтмай воқеа яна-яна такрорланди: олдин "Нексия", кейин "Спарк"... Ҳар сафар одамлар бир-бирига ҳолис ёрдам бериб, ўз йўлига равона бўлаверди. Минг шукрки, ва ниҳоят, ўз қадриятларига, ўзлигига қайтаётган одамларни ҳам кўрдим.

Илгари қишлоқ одамларининг маслаги шундай эди: етим-есир, бева-бечоралар уй-жой қурилишига деярли пул сарфламас, ҳашар қилиниб, қўни-қўшни, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ ҳамжиҳатликда ҳар қандай ишни битириб кетарверди. Ёдимда, бир бечоранинг жар ёқасидаги уйи зовга қулаганида, одамлар унга бошқа ердан уй-жой қуриб беришганди. На ер, на қурилиш материаллари учун маблағ талаб қилинганди. Ҳатто бефарзанд қўшинисига ўз боласини бериб, тирноқсиз оилани сақлаб қолган одамларни биланам. Бугун ўша болалардан

бири улғайиб, йигит ёшига етган, исми Тиловерди. Тиловерди билан меҳмонхонада учрашиб қолдим.

– Қайсидир йили Маккадан келган кекса муҳожирни "Нексия"да олиб юрдим, – ҳўқоқ қилади у. – Соқоли кўксига тушган, шундай нурли, басавлат чолки, бир кўришда ёқтириб қолдим. Кўрсангиз, Хизрнинг ўзи дейсиз. Нуруний отахон ёнимдаги ўриндиққа таъбир экан: "Хавфсизлик камарини тақиб олинг", деди. "Қишлоқдан чиқмаймиз, бобо, 5-10 уй нарига борамиз, холос. Бу ерда ГАИ йўқ", дедим. Отахон ҳеч

затингиз билан, энди умр бўйи олдириб, йигит юрган соч-соқолимни ота-боболарим ётган қабристонга кўмсам, – деди маккалик меҳмон овози титраб. – Кошки ўзимга ҳам шундай саодат nasib этса.

Бадамни жимирлаб, галати бўп кетдим. Чунки ўн йил муқаддам ҳажга борган деновлик Худойберди бобо ҳам бу маккалик ўзбекни учратгани ва унинг ғайриоддий нияти қаттиқ таъсир қилганини айтганди. Мен ўз вақтида унинг аччиқ қисматию ғаройиб орзуси ҳақида дастлаб мақола, сўнг шеър ёзгандим. Яратганининг чеварлигини кўринки,

Волга йўлини ҳам ёпиб, қуршовдагиларни ё таслим қилиш, ё очдан ўлдиришга буйруқ беради. Берлиндан олинган разведка маълумотларидан душман чангалига тушганини англаган Сталин 1941 йил 15 октябрь кунини машҳур генераллари Жуков билан Василевскийни қабул қилади. Москвада асраб қолиш учун қўшимча кучлар бор-йўқлиги сўралганда, генерал Панфилов бошчилигидаги 75-80 фойизи ўзбек, қолгани қозоқ, қирғиз, туркманлардан иборат дивизия борлиги маълум бўлади. Аммо немис қўшини осмондан 3000 та самолёт, қуруқликдан

1700 та танк, 50 мингта артиллерия, икки ярим миллион кишилик армияси билан бомбардимон қилса, бас келиб бўлмаслиги айтади. Жуков эса Амир Темур, Жалололдин Мангуберди, Бобур авлодлари бўлган Ўрта Осиёликларга ишоншини, шу боис дивизия ўз ихтиёрига берилишини сўрайди. Маслаҳатга қақрилган генерал Панфилов томирида буюқ қаҳрамонлар қони оқаётган кўл остидаги аскарларнинг чўпон таъғию кетмони олинди, қўлга қурол берилса, танкни ҳам мажлақлаб ташлашни маълум қи-

ладди. Ушбу дивизия аскарлари Жалололдин Мангубердининг жанговар қўшинини айтиб жангга кирса, улар жанг қилаётган вақтда (1941 йил ёзида қабри очилган) Амир Темур жасади ортлган самолёт жангоҳ тепасида айланиб турса, албатта, ғалаба қозонилишига олий қўмондонни ишонтиришади. Генерал Панфилов бошчилигидаги 316-гвардия қўшинлари немис танк қўшинларига қарши жангга қиради. Амир Темур руҳи қўлаётганига ишонган аскарлар 1700 та танк ҳужумини уч марта қайтаради ва битта қолмай қурилиб кетади. Москва матонат билан ҳўмоқ қилинган, мутлақо бошқа кишилар "ҳақиқий қаҳрамон"га айлантирилади. Туркий халқлар улуғнаслиги учун ҳам асл қаҳрамонларнинг номлари-ю, Жалололдин Мангубердининг жанговар қўшини қўлаётгани ҳақидаги тарихий воқеани эслаш таъқиқланади. Ўтаган бобонинг ай-

бечора муҳожирнинг бир умрлик орзуси амалга ошгани менга қўмқўрғонлик шу йигит орқали билдириб қўйилди.

Тиловердин ҳамон сўзларди:

– Меҳмоннинг ҳасрати юракларимизни титратиб юборди.

– Мен эса бир амакиваччам билан кўнгили бўлиб урушга кетдим, – гап бошлади Ўтаган бобо. – Амакиваччам Москва остонасидаги жангга исзис кетди. Урушда нима бўлганини кейин билдим, денг.

– Маълум бўлишича, – воқеа тафсилотларига ўтди Тиловерди, – 1941 йилда Москва уч томондан – шимолдан Калинин, ғарбдан Смоленск, жанубдан Тула томондан қамал қилинади. Волга дарёси томондан "Москва – Қўзон" темир йўлигина очик қолади. Гитлер энг ишонган генераллари – фельдмаршал Фон Бок ва бронетанк қўшинлари қўмондони, фельдмаршал Гудерианга

ҚОР – КЎП НУҚТА...



нарса демай, мен томонга энгашди-да, билаги билан бўйнимдан бўғиб, бағрига тортиди:

– Жаннатда ҳамма бир хил навқирон ёшда бўлади. Ҳозир сен билан курашга тушсам, эл-юрт олдида изза бўласан. Кеп-кеп, шу чол билан кураш тушдингми, дейишди. Унутма, Худо хоҳласа, сен билан жаннатда кураш тушаман. Ана шунда кучлар нисбати тенг бўлади, – деди бўйнимни бўшашиб. Сўнг: – Ҳозироқ хавфсизлик камарини тақ. Бўлмас, машинангдан тушиб қоламан. Рулга ўтирсанг, ГАИдан кўрққанингдан эмас, амри подшо вожиб-лиги учун йўл қодаларига амал қилишинг шарт. Чунки ГАИдан эмас, Аллоҳдан кўрқкиш керак, болам, Аллоҳдан.

– Тасодифни қарангки, қишлоқдошим Ўтаган бобо меҳмоннинг ошмаси бўлиб чиқди, – давом этди Тиловерди. – Иккала дўст йиғлаб кўришди. Бири муҳожир, иккинчиси уруш қатнашчиси. Бири қўйиб, бири ҳасрат қилади.

– Жисмим тугул сочимнинг бир толаси ўзга юртларда қолишини истамайман. Ижо-

бечора муҳожирнинг бир умрлик орзуси амалга ошгани менга қўмқўрғонлик шу йигит орқали билдириб қўйилди.

Тиловердин ҳамон сўзларди:

– Меҳмоннинг ҳасрати юракларимизни титратиб юборди.

– Мен эса бир амакиваччам билан кўнгили бўлиб урушга кетдим, – гап бошлади Ўтаган бобо. – Амакиваччам Москва остонасидаги жангга исзис кетди. Урушда нима бўлганини кейин билдим, денг.

– Маълум бўлишича, – воқеа тафсилотларига ўтди Тиловерди, – 1941 йилда Москва уч томондан – шимолдан Калинин, ғарбдан Смоленск, жанубдан Тула томондан қамал қилинади. Волга дарёси томондан "Москва – Қўзон" темир йўлигина очик қолади. Гитлер энг ишонган генераллари – фельдмаршал Фон Бок ва бронетанк қўшинлари қўмондони, фельдмаршал Гудерианга

бечора муҳожирнинг бир умрлик орзуси амалга ошгани менга қўмқўрғонлик шу йигит орқали билдириб қўйилди.

Тиловердин ҳамон сўзларди:

– Меҳмоннинг ҳасрати юракларимизни титратиб юборди.

– Мен эса бир амакиваччам билан кўнгили бўлиб урушга кетдим, – гап бошлади Ўтаган бобо. – Амакиваччам Москва остонасидаги жангга исзис кетди. Урушда нима бўлганини кейин билдим, денг.

– Маълум бўлишича, – воқеа тафсилотларига ўтди Тиловерди, – 1941 йилда Москва уч томондан – шимолдан Калинин, ғарбдан Смоленск, жанубдан Тула томондан қамал қилинади. Волга дарёси томондан "Москва – Қўзон" темир йўлигина очик қолади. Гитлер энг ишонган генераллари – фельдмаршал Фон Бок ва бронетанк қўшинлари қўмондони, фельдмаршал Гудерианга

бечора муҳожирнинг бир умрлик орзуси амалга ошгани менга қўмқўрғонлик шу йигит орқали билдириб қўйилди.

Тиловердин ҳамон сўзларди:

– Меҳмоннинг ҳасрати юракларимизни титратиб юборди.

– Мен эса бир амакиваччам билан кўнгили бўлиб урушга кетдим, – гап бошлади Ўтаган бобо. – Амакиваччам Москва остонасидаги жангга исзис кетди. Урушда нима бўлганини кейин билдим, денг.

– Маълум бўлишича, – воқеа тафсилотларига ўтди Тиловерди, – 1941 йилда Москва уч томондан – шимолдан Калинин, ғарбдан Смоленск, жанубдан Тула томондан қамал қилинади. Волга дарёси томондан "Москва – Қўзон" темир йўлигина очик қолади. Гитлер энг ишонган генераллари – фельдмаршал Фон Бок ва бронетанк қўшинлари қўмондони, фельдмаршал Гудерианга

лади. Ушбу дивизия аскарлари Жалололдин Мангубердининг жанговар қўшинини айтиб жангга кирса, улар жанг қилаётган вақтда (1941 йил ёзида қабри очилган) Амир Темур жасади ортлган самолёт жангоҳ тепасида айланиб турса, албатта, ғалаба қозонилишига олий қўмондонни ишонтиришади. Генерал Панфилов бошчилигидаги 316-гвардия қўшинлари немис танк қўшинларига қарши жангга қиради. Амир Темур руҳи қўлаётганига ишонган аскарлар 1700 та танк ҳужумини уч марта қайтаради ва битта қолмай қурилиб кетади. Москва матонат билан ҳўмоқ қилинган, мутлақо бошқа кишилар "ҳақиқий қаҳрамон"га айлантирилади. Туркий халқлар улуғнаслиги учун ҳам асл қаҳрамонларнинг номлари-ю, Жалололдин Мангубердининг жанговар қўшини қўлаётгани ҳақидаги тарихий воқеани эслаш таъқиқланади. Ўтаган бобонинг ай-

тишича, унинг амакиваччаси ҳам номи сир сақланадиган ўша аскарлар рўйхатида экан. Шу мавзуда драма ёзгани ва бу асар саҳналаштирилгани учун Мақсуд Шайхзоданинг сургун қилинганини биласизми?

– Тафаккур озодлиги, ҳурфикрлик ва эътиқод эркинлиги инсон генидаги ирсий хусусиятларни уйғотиб юбриши мумкин-да, – дедим унга жавобан.

– Тарихий хотирасиз келажак йўқ! – эътироз билдирди Тиловерди. – Футбол бўйича Жанубий Корея ва Ўзбекистон ўртоқлик учрашувини кўрдингизми? Кореяликлар ўз футбол жамоаси мағлубиятга учраган бўлса-да, стадионда қолдириб кетилган чиқиндиларини йиғиштириб олиб, юксак маданияти ва одоб-ахлоқини намойиш этишди. Узоқ тарихга эга шарқона мафкурамиз, бетакрор маданиятимиз билан биз нега бу аҳволга тушиб қолдик?

– Аҳволимизга нима қилибди?

– Кеча Умра зияратига кетаётган юртдошларимиз тунаган экан, меҳмонхонага тегишли янги сочиқлару майда-чуйдаларни олиб кетишибди...

– Яхши гўмонда бўлайлик, – дедим ишонқирамай, – балки соддадиллик қилиб, ҳаражатларимиз ҳисобидан олиб кетиш учун берилган, деб уйлашгандир.

...Илкис жиринглаган телефон кўнғироғи мени ўзимга келтирди. Бўралаб ёғаятган қор фониди миям воқеадан воқеага ўтиб, ичкин туйғуларни қўлқопдек тез-тез ўзгаришга қўйганини сезиб қолдим. Гўшақ ортидан ёш шоир Эркин Ҳўжимухаммаднинг овози эшитилди:

– Чарчаб қолмаяпсизми? – деди у. – Қаердасиз? Жамоамиздан уч киши "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги кўкрак нишони" билан мукофотланганиди. Асрор ака, Бахтиёр ака, сиз. Табриклайман.

Талаба-да, тутун чиққан жойдан хабардор.

– Раҳмат, қармоғинга олтин балиқ илингур, – дедим эркалаган бўлиб. – Ҳозир етиб бораман. Қолгани кўприк остидаги гап.

Шўҳрат АЗИЗОВ,
"Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг
30 йиллиги" кўкрак нишони соҳиби



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Муассис:
ЎЗБЕКISTON
ЎЗВУЧИЛАР УЮШМАСИ

Бош муҳаррир
Салим АШУР

Ҳамқоримиз:
akfa

Тахририятга келган кўғезмалар таҳсил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шўҳрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 863. Буюртма Г - 1244.
Ҳажми - 3 босма табкок, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

"Шарк" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ISSN 2303-614X

9 772303 614000

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru